БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 56 (287)

20 МАРТ ЯКШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советидан (1-нчи бет).

Ўртоқ Н. А. Булганин Хитой Халқ Республикасининг Элчиси Лю Сяони қабул қилди (1-нчи бет).

Совет Иттифоқида (1-нчи бет).

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун курашда касаба союз ташкилотларининг ролини оширайлик (1-нчи бет).

Отоқли рус ихтиро'чиси (2-нчи бет).

Франция-Совет шартномаси тўғрисида Совет Ҳукуматининг Франция Ҳукуматига нотаси (2-нчи бет).

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА НАЗАРИЯНИ УРГАНУЧИЛАРГА ЁРДАМ. **А. Иванов.**— Сан'ат ва адабиёт —ижтимоий онг формаси (2-нчи ва 3-нчи бетлар).

ФЕЛЬЕТОН. **Б. Халилов.**— Антиқа касал (3-нчи бет).

Ерни ҳайдаш, бороналаш ва экишга тайёрлаш ишларини бир-бирига боғлаб олиб борайлик! (3-нчи бет).

Ялта конференцияси «ҳужжатларининг» АҚШда э'лон қилинишига доир (4-нчи бет).

Хавфсизлик кенгашида (4-нчи бет).

Ҳаётни ва поэтика қоидаларини пухта ўрганиш лозим (4-нчи бет).

Район партия комитетининг инструкторлик группаси

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми район партия комитетларининг МТС зоналари бўйича секретарьлари бошчилигидаги инструкторлик группалари МТСлар ва колхозларнинг ишларини яхшилашда ижобий роль ўйнаётганликларини та'кидлаб, бундан кейин ҳам райкомларнинг МТС зоналари бўйича секретарьлари ва инструкторлари составини мустаҳкамлаш ишларини давом этдириш, бу группаларни қишлоқ хўжалигини юксалтириш тўғрисида Партия ва Ҳукумат қарорларини бажариш соҳасида партиявий-сиёсий ишларни уюштиручи чинакам жанговар ташкилотчиларга айлантириш вазифасини қўйди.

Қишлоқ район партия комитетлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарори асосида ўз ишларини қайта қуриб, партиявий раҳбарликни колхоз ишлабчиқаришининг ҳал қилувчи участкаларига яқинлаштиришда, колхоз ва МТСларга раҳбарлик қилишда юз берган эгасизлик ва мас'улиятсизликни тугатишда анчагина муваффақиятларга эришдилар. Канцелярячилик-бюрократчиликдан иборат зararли практикани йўқотиш, омма орасида жонли ташкилий иш олиб бориш, колхозларга, МТСларга ва совхозларга амалий ёрдам кўрсатиш, қарорларнинг ижросини текшириб туриш — қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги асосий масала бўлиб қолди. Бу вазифаларни бажаришда район партия комитети инструкторлик группасининг роли ғоят каттадир.

МТС зонасидаги райком секретари бошлиқ инструкторлар — партия аппаратининг марказий фигураси, бошлангич партия ташкилотларини район партия комитети билан боғловчи муҳим воситадир. Инструкторларнинг асосий вазифаси — омма орасида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтириш, кабинетларда вақтни камроқ ўтказиб, колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари билан кўпроқ иш олиб бориш, уларни қўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар этишдан иборат. Бошлангич партия ташкилотларининг ҳаётини ва барча ишни атрофлича чуқур ўрганиб, амалий масалаларни ҳал қилишда, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни яхши йўлга қўйишда уларга яқиндан ёрдам бериш, партия қарорларининг бажарилишини ташкил этиш ва текшириш — инструкторларнинг бурчидир. Инструкторларнинг иши қанчалик яхши ва пухта уюштирилган бўлса, партия ташкилотларининг ишлари ҳам шунчалик самарали ва яхши бўлади. Бу эса социалистик қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш соҳасида олдимизда турган янги улуғвор вазифаларни муваффақиятли бажаришда ҳал қилучи шартларнинг биридир.

Областимиздаги кўпгина район партия ташкилотларида оўнгги йилларда партиявий иш тажрибасини эгаллаган жуда кўп ташкилотчи инструктор қадрлар етишиб чиқди. Оржоникидзе район партия комитетининг МТС зонасидаги инструктори Ўртоқ Убай Исломов ана шулар жумласидандир. Ўртоқ Исломов ўз иш вақтининг асосий қисмини қишлоқда — коммунистлар билан колхозчилар орасида ўтказади, хўжалик ишларини сиёсий ишлар билан бир-бирига тўғри боғлаб олиб боришда бошлангич партия ташкилотларига амалий ёрдам беради. Натижада у бириктирилган колхозларда бошлангич партия ташкилотлари колхоз экономикаси масалаларини чуқурроқ ўрганабошладилар, одамларни тарбиялаш билан яхшироқ шуғулланабошладилар. Ўртоқ Исломов КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорини, илғорлар тажрибаси ва қишлоқ хўжалик фани муваффақиятларини кенг пропаганда қилишга, илғор, прогрессив иш методларини колхоз ишлабчиқаришига жорий қилишга, колхозчиларнинг ўрганиб чиқишга жуда катта аҳамият беради, қишлоқ хўжалик мутахассислари билан биргаликда колхозларнинг жамоат хўжалигини ривожлантириш перспектив планларини тузишда актив қатнашади. Шунинг учун ҳам колхозчилар Ўртоқ Исломовни Тошкент область Советига депутат қилиб сайладилар.

Вазифа — энг яхши инструкторлар тажрибасини оммаллаштириб, район партия комитетларининг инструкторлик группаларини тобора мустаҳкамлашдан, уларнинг қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун курашдаги авангардлик ролини янада оширишдан, инструкторларни колхозчилар, МТС ва совхоз ходимларининг чинакам ташкилотчилари ва етакчиларига айлантиришдан иборатдир.

Очиқ э'тироф қилиш керакки, областимиздаги бирқатор район партия комитетлари КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорини амалга ошириш соҳасида ҳали ҳам катта камчиликларга йўл қўймоқдалар, инструкторларнинг ишини қайта қуришда суст ҳаракат кўрсатмоқдалар. Кўп жойларда ҳалигача жонли ташкилотчилик ишлари кўпинча канцелярячилик билан алмаштирилмоқда, мажлисбозлик практикасига хотима берилмаётир.

Ба'зибир райкомлар МТСлардаги партия ходимларини ҳархил сводкалар ва ҳисоботлар тузиш билан банд қилиб қўйиб, инструкторларга омма орасида жонли ташкилий иш олиб боришга имкон бермаётир. Масалан, Октябрь, Гулистон, Ўртачирчиқ ва Чиноз район партия комитетлари ўз инструкторларидан ана шундай фойдаланмоқдалар. Бу районлардаги кўпчилик колхозларда оммавий-сиёсий ишларнинг бўшашиб кетишига, шунинг натижасида кўкламги экишга тайёрлик кўришда катта нуқсонларнинг содир бўлаётганлигига ҳам асосий сабаблардан бири шу.

Ҳозирги вақтда партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишлари КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш тўғрисидаги тарихий қарорларини амалга оширишга қаратилиши лозим. Ҳамма экин майдонларида қишлоқ хўжалик экинларининг, айниқса пахтанинг ҳосилини кескин равишда оширишни та'минлаш, квадрат-уялаб ва торқаторлаб чигит экишни муваффақиятли ўтказиш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўриб қўйиш, жамоат чорвачилигини тинмай ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини тобора ошириш учун кураш олиб бориш — партия ташкилотларининг бевосита бурчидир. Район партия комитетлари ўзларининг бу шарафли вазифаларини инструкторлик группаларининг ишларини тўғри ташкил этган тақдирлагина, уларнинг фаолиятини район олдида турган асосий сиёсий-хўжалик вазифани адо этишга қаратганларигагина муваффақиятли бажаришлари мумкин. Шунинг учун район партия комитетларининг секретарьлари инструкторларнинг роли ва мас'улиятини ошириб, уларни кунт ва э'тибор билан тарбиялашлари, уларга партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни олиб бориш йўлларини, сиёсий раҳбарлик сан'атини ўргатишлари керак.

Район партия комитетлари инструкторлик группасининг ишларига МТС хўжалик фаолиятининг ва МТС хизмат қилаётган колхозлардаги хўжалик фаолиятининг натижаларига қараб баҳо берилади. Инструктор ўзи бириктирилган колхозлардаги ишнинг аҳволи учун жавоб бериши, ҳарқандай вазифани бажаришда чиқам бан, коммунистларга хос ғайрат ва ташаббус билан ишлаши лозим. У, қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун курашнинг жанговар ташкилотчиси бўлиши керак.

Райкомларнинг инструкторлари ўзларининг назарий савияларини систематик равишда ошириб бориш билан бирга, ўз олдиларида турган вазифаларни ҳам яхши тушунишлари, колхоз ишлабчиқаришини пухта билишлари, қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг техникасини ва экономикасини тинмай ўрганишлари, бу соҳадаги янги, илғор нарсаларнинг ҳаммасидан хабардор бўлиб туришлари керак. Инструктор кишилар билан ишлайолиши, партия ишини севиши лозим. Партия ишини севиш — омма билан ишлашни севиш, оммानинг талабларини билиш, колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари билан доим алоқа боғлаш демакдир. Ўртоқ Н. С. Хрушчев айтганидек, онги ҳам, саводи ҳам, қолоқ қайфиятли кишиларни ўз та'сиримизан чиқариб қўйиш ярамайди. Бундай кишиларнинг одатда меҳнат унумлари кам бўлади. Агар колхозда ҳосил паст, чорвачиликнинг маҳсулдорлиги кам бўлса, у вақтда колхозлар оз даромад олади, меҳнат кунларининг қиммати паст бўлади. Бундай колхозларда кишилар билан мустаҳкам колхозлардагига қараганда кўпроқ ишлаш керак. Бунда ҳам энг муҳими — кишилар билан якка-якка иш олиб боришдир, токи бугун қолоқ бўлган кишилар заиф колхозларнинг қолоқлигини енгиш учун актив курашчилар қилинсин. Бу хил кишиларни иноитириш керакки, фақат ҳосилни ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш йўли блангина колхознинг, барча колхозчиларнинг, қарбир айрим колхозчининг фаровонлигини ошириш мумкин.

Район партия комитети ва унинг инструкторлик группаси қишлоқда оммавий-сиёсий ишларнинг олиб борилиши учун жавобгардир. Оммавий-сиёсий ишлар колхоз, совхоз, МТС ва бригаланинг, қишлоқ хўжалигидаги қарбир меҳнаткашнинг конкрет вазифалари блан узвий боғланган бўлиши, мўлжалланган планларни бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборишга ёрдам бериши керак. Кўкламги экишнинг бошланишига саноқли кунлар қолган ҳозирги пайтда район партия комитетлари ва уларнинг инструкторлик группаларининг фаолияти, қишлоқдаги коммунистлар, комсомоллар ва партиясиз агитаторларнинг омма орасидаги ташкилотчилик иши экишни қисқа муддатда юқори сифатли қилиб ўтказишга қаратилиши лозим.

Район партия комитети инструкторлик группаларининг ишини яхши йўлга қўйиш қишлоқда партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларнинг савиясини ҳозирги юксак вазифалар даражасига кўтаришнинг энг муҳим шартидир.

УРТОҚ Н. А. БУЛГАНИН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭЛЧИСИ ЛЮ СЯОНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин 19 мартда Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Лю Сяони қабул қилди.

Суҳбатда СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян иштирок этди. (ТАСС).

Совет Иттифоқида

☆

ШАРҚИ-ЖАНУБИЙ ОБЛАСТЬЛАР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ ЕПИЛДИ

САРАТОВ, 18 март. (ТАСС). Бугун Шарқи-Жанубий областьлар қишлоқ хўжалиги ходимлари кенгашида СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари Ўртоқ Лобанов доклади юзасидан музокаралар давом қилди.

Колхозлар, МТСлар ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари дон ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни қат'ий равишда кўпайтириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети январь Пленуми томонидан қўйилган вазифаларни бажаришга қаратилган амалий тадбирларни катта активлик блан муҳокама қилдилар.

КПСС Марказий Комитетининг гулдурос қарсаклар блан кутиб олинган биринчи секретари Ўртоқ Н. С. Хрушчев кенгашда катта нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари Шарқи-Жанубий областьларнинг қишлоқ хўжалик ходимларига қарата мурожаат қабул қилди.

ПЕНЗА ЗАВОДИНИНГ ИККИ МИЛЛИОНИНЧИ ВЕЛОСИПЕДИ

ПЕНЗА, 17 март. (ТАСС). Кеча Пенза велосипед заводининг конвейеридан икки миллионинчи велосипед тайёр бўлиб чиқди. Уни мастер Ўртоқ Мурисин сменаси тайёрлаб берди.

Завод коллективи йўл велосипедлари чиқаришни кўпайтирмоқда, уларнинг сифатини яхшиламоқда. Янги поток линиялари қурилмоқда, велосипед ясаш технологияси яхшиланди, велосипед ғилдираклари шлифовка қилиш автоматлаштирилди.

Ҳозирги вақтда ҳарбир машинани ишлаб чиқариш учун ўтган йилдагига қараганда бир соатдан эшдроқ вақт тежалмоқда. Завод январь ойидан бери мавжуд ишлабчиқариш майдонларида 1954 йилнинг шу давридагига қараганда 15 минг дона машинани кўпроқ чиқарди.



Ростов-Дон. «Ростсельмаш» заводининг цехларида социалистик мусобақа кучайтирилган. Мусобақада комбайн цехидаги марказий конвейер йиғув бригадасининг ишчилари олдинда бормоқда. **Суратда:** комбайн цехининг марказий конвейери.

В. Турбин фотоси. (ТАСС фотохроникаси).



Украина ССР. «Запорожсталь» заводи совуқ прокат цехининг коллективи доимо ойлик планини ошириб бажармоқда. **Суратда:** Заводнинг илғор совуқ прокат цехи.

А. Красковский фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ОТОҚЛИ РУС АДМИРАЛИНИНГ ХОТИРАСИ

ЛЕНИНГРАД, 17 март. (ТАСС). Отоқли рус адмирали В. П. Истоминнинг вафот этганига 19 мартда 100 йил тўлади. В. П. Истомин 1853 — 56 йиллардаги Қрим уруши вақтида Севастопольни мудофаа қилатуриб Камчатский редутида қаҳрамонларча ҳалок бўлган эди.

Биринчи ранг капитан Истомин қўмондонлик қилган ва Синоп жангида қатнашган «Париж» линкорининг барометри Марказий ҳарбий — денгиз музейида сақланмоқда. Машҳур рус флот саркардаси адмирал П. С. Нахимовнинг музейда сақланаётган рапортида Истоминнинг қилган ишларига қуйидагича баҳо берилган: «Париж кемасининг жуда гўзал ва пухта ўйланиб қилаётган жангларига қойил қолмаслик мумкин эмас эди; мен унга шу жанг вақтида менинг ташаккуримни билдиришни буюрдим...» Синоп жангини тасвирлаган суратлар, Истоминнинг ҳаёт вақтида олдирган нодир портрети музейга қўйилган. Унинг акасига ёзган хати ҳам музейда сақланмоқда. Бу хатда қуйидаги сатрлар бор: «Матросларимизга, солдатларимизга, шунингдек офицерларимизга таажжубланмаслик мумкин эмас. Бундай фидоийликни, бундай қаҳрамонона бардамликни бошқа мамлакатларда чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмайди...»

М. В. Фрунзе номидаги олий ҳарбий-денгиз билим юртида бир вақтлар Истомин ҳам тарбияланган эди. Шу мактабда отоқли рус адмиралининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида суҳбатлар ўтказилмоқда. Бу ҳарбий мактабнинг кутубхонасида китоб—суратлар виставкаси очилди. Болтиқ флоти кемаларида ҳам Истомин хотирасига бағишланиб суҳбатлар ўтказилмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советидан

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети а'золигига кандидат, ССР Иттифоқи Олий Совети депутати, СССР Мудофаа Министрининг Ўринбосари, ССР Иттифоқи Қуролли Кучларининг отоқли саркардаларидан ва қурувчиларидан бири, Улуғ Ватан урушининг донг чиқарган қаҳрамони, Совет Иттифоқи Маршали **Леонид Александрович Говоров**нинг узоқ давом этган оғир касалликдан кейин шу йил 19 мартда вафот этганлигини чуқур қайғу блан хабар қиладилар.

Совет Иттифоқи Маршали **Л. А. Говоров**ни дафн этиш маросими Москва шаҳрида Қизил майдонда бўлади.

ССР Иттифоқи Мудофаа Министрлигидан

ССР Иттифоқи Мудофаа министрлиги КПСС Марказий Комитети а'золигига кандидат, СССР Олий Совети депутати, СССР Мудофаа Министрининг Ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали **Леонид Александрович Говоров**нинг узоқ давом этган оғир касалликдан кейин, шу йил 19 мартда вафот этганлигини чуқур қайғу блан хабар қилади.

Совет Иттифоқи Қуролли Кучлари Маршал **Л. А. Говоров** қиёфасида Улуғ Ватан урушининг отоқли саркардасидан, ССР Иттифоқи Қуролли Кучларининг кўзга кўринган арбоби ва ташкилотчисидан жудо бўлдилар.

ССР Иттифоқи Министрлар Советида

ССР Иттифоқи Министрлар Совети қарор қилди:

Совет Иттифоқи Маршали **Л. А. Говоровни** дафн этишни уюштириш учун қуйидаги составда комиссия тузилсин:

Совет Иттифоқи Маршали В. Д. Соколовский (раис), комиссия а'золари — Совет Иттифоқи Маршали С. С. Бирюзов, Совет Иттифоқи Маршали К. С. Москаленко, А. Ф. Горкин, М. А. Яснов.

Совет Иттифоқи Маршали Л. А. Говоровни дафн этишни уюштириш комиссиясидан

Совет Иттифоқи Маршали **Л. А. Говоров**нинг жасади қўйилган тобут Союзлар Уйининг Колонна залида ўрнатилади.

Марҳум **Л. А. Говоров** блан видо'лашиш шу йил 21 март кундуз соат 11 дан бошланади.

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун курашда касаба союз ташкилотларининг ролини оширайлик

(Ўзбекистон касаба союзлари совети пленумида)

Тошкентда Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг учинчи пленуми икки кун давом этиб, ўз ишини тамомлади. Пленум партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажариш соҳасида республика касаба союз ташкилотларининг иши тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Докладчи — Ўзбекистон касаба союзлари советининг раиси Ўртоқ Хўжаев ва музоқарада сўзга чиққан Ўртоқлар қайд қилиб ўтдилар ки, республика касаба союз ташкилотлари меҳнаткашларни КПСС Марказий Комитетининг сентябрь, февраль-март ва июнь Пленумлари қарорларида қўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар қилиш йўлида бирмунча иш қилдилар. КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарори ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар ўртасида сиёсий ва меҳнат активлигини янада кучайтирди. Қишлоқ хўжалиги заказларини муддатидан илгари бажариш учун, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш юзасидан берилган топшириқларни тез бажариш учун олиб борилаётган социалистик мусобақа қатнашчиларининг сафлари кундан-кунга ўсиб бормоқда.

Пленум қатнашчилари ўз сўзларида халқ хўжалигининг барча тармоқларини, шу жумладан қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини ҳам юксалтиришда республикадаги оғир саноат корхоналарининг ҳал қилучи роли ҳақида та'кидлаб ўтдилар. Оғир индустрияни ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам бериш, металл, машиналар, нефть ва бошқа энг муҳим турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун саноат корхоналари коллективларининг социалистик мусобақасини кенг равишда ривожлантириш — касаба союзларининг биринчи навбатдаги вазифасидир.

Пленумда МТС ва совхозлардаги касаба союз ташкилотларининг иши ҳартомонлама анализ қилинди. Республика қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи учун МТС ва совхозларда касаба союз ташкилотлари зиммасига катта жавобгарлик тушади. Пленумда кўрсатиб ўтилдики бу ташкилотларнинг ба'зилари кейинги вақтларда ўз ишларини қайтадан қурдилар, қишлоқ хўжалик ишлабчиқариши экономикасига кўпроқ қизиқадиган бўлдилар пахтакорлар, чорвадорлар, механизаторлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни ўчайтирдилар. «Ҳазорбоғ» совхозининг касаба союз ташкилоти қишлоқ хўжалик ишчиларининг мусобақасига моҳирлик блан бошчилик қилди, бу совхознинг коллективи республика совхозларининг 1955 йилда пахталаш ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун, чорвачиликни ривожлантириш планини ошириб бажариш учун олиб бораётган мусобақасининг ташаббусчиси бўлди. «Ҳазорбоғ» совхози ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажариб, чигит экиш учун ажратилган ерларни ҳайдаб бўлди, баҳори дон экишни, беда, силос экинлари ва илдизмева экинлари экишни энг қисқа муддат ичида ўтказди ҳамда ҳозир танлаб чигит экишга киришди.

Шу блан бирга пленум қатнашчилари МТС ва совхозлардаги касаба союз ташкилотларининг ишида жиддий камчиликлар ҳам борлигини кўрсатиб ўтдилар. Кўпгина касаба союз комитетлари мусобақага раҳбарлик қилишда расмиятчиликка йўл қўймоқдалар, илғор тажрибани умумлаштириш ва ёйиш ишларини жуда қониқарсиз олиб бормоқдалар, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришига жорий қилиш учун барча чораларни кўрмаётирлар. Қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союз республика комитетининг президиуми МТСларнинг колхоз ишлабчиқаришидаги ташкилотчилик ролини ошириш, совхозларни намунали давлат хўжаликларига айлантириш масалалари блан кам шуғулланмоқда.

Самарқанд, Бухоро, Сурхондар'ё область касаба союз советларининг раислари Юсупова, Шарипов ва Боқиев Ўртоқлар, шунингдек пленумда қатнашган бошқа Ўртоқлар кўп совхозларда машина-трактор ва машина-экскаватор станцияларида қишлоқ хўжалик ишчиларига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан коллектив шартномада кўзда тутилган мажбуриятлар суст бажарилаётганлигини айтдилар. Ўтган йили Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бўйича уйжой қурилиши учун ажратилган маблағларнинг фақат 97,1 процента ва маданий-маиший эҳтиёжлар учун ажратилган маблағларнинг 23,2 процентигина ўзлаштирилган, холос. Республика Совхозлар министрлиги ва Сув хўжалиги министрлиги бўйича ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Қишлоқда савдо-сотиқни ва умумий овқатланишни йўлга қўйиш учун ҳам зарур ишларнинг ҳаммаси қилингани йўқ. Ййловлардаги чорвадорларга савдо хизмати кўрсатиш айниқса ёмон ташкил қилинган. Республика МТС ларидан 57 тасида шу вақтгача клуб ва қизил бурчаклар йўқ, мавжуд маданий-оқартув муассасаларининг анча қисмидан бошқа мақсадлар учун фойдаланилмоқда.

Пленумда кўрсатиб ўтилдики, Ўзбекистон касаба союзлари совети, кўпгина область касаба союз советлари, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзининг республика ва область комитетлари кўп вақтларда жонли ташкилотчилик ишлари олиб бориш ўрнига ҳархил мажлисбозлик блан шуғулланмоқдалар. МТС ва совхозлардаги энг яхши касаба союз ташкилотлари ва ишчи комитетларининг тажрибасини етарли умумлаштирмаётирлар. Касаба союз комитетларининг ташкилий-оммавий иш савияси ҳали паст бўлиб келмоқда. Андижон, Самарқанд, Хоразм областьлари ва Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалик корхоналаридаги кўпгина ишчи ва мутахассисларнинг касаба союз а'золигига жалб этилмаганлигига ҳам, жумладан, ана шу нарса сабаб бўлмоқда. Касаба союз группалари трактор бригадаларининг ҳаммасида ҳам тузилгани йўқ, бирқанча МТС ва совхозларда эса ишчи ва хизматчиларнинг умумий йиғилишлари мунтазам суратда ўтказилиб турмайди.

Сўзга чиққан Ўртоқлар саноат корхоналари ва муассасалар коллективларининг МТС ва совхозларни оталиққа олишларини кучайтириш зарурлигини та'кидладилар. Бекобод металлургия заводи касаба союз комитетининг раиси Ўртоқ Хуснуддинов оталиқ ишидаги тажрибасини айтиб берди.

Пленумда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ўртоқ Мельников нутқ сўзлади.

Қабул қилинган қарорда касаба союз ташкилотларининг қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасидаги ишларини яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди. Қарорда та'кидланадики, касаба союз ташкилотларининг биринчи навбатдаги вазифаси—кўплам дала ишларини намунали ўтказиш учун, чигитни торқаторлаб, квадрат-уялаб экиш юзасидан берилган топшириқни муваффақият блан бажариш учун, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун МТС ва совхоз ходимларининг амалий мусобақасини кенг ташкил қилишдан иборатдир.

Пленум қатнашчилари суғориладиган ерларда деҳқончиликни механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё институтида бўлдилар ва у ерда янги қишлоқ хўжалик техникаси ҳамда пахта етиштиришнинг илғор усуллари блан танишдилар. (ЎзТАГ).

Отоқли рус ихтиро'чиси

(А. Ф. Можайскийнинг туғилганига 130 йил тўлиши муносабати блан)

Улуғ рус халқининг вакиллари илм-фан ва техниканинг барча соҳаларида қимматбаҳо янгиликлар яратдилар, улар орасидан исте'додли олимлар, машҳур ихтиро'чилар етишиб чиқди. Улар фан-техниканинг бошқа ҳамма соҳаларидаги каби, авиация фани ва техникаси соҳасида ҳам дун'ёда биринчи бўлиб қимматбаҳо янгиликларни яратдилар ва бу блан жаҳон прогрессив маданиятига жуда бой ҳисса қўшдилар. Дун'ёда биринчи самолётнинг ихтиро'чиси ва авиация техникасининг дастлабки назариячиси — отоқли рус олими А. Ф. Можайскийдир.

* * *

Александр Фёдорович Можайский 1825 йил 21 март куни Выборг губернасида денгиз офицери оиласида туғилди. У, 1837 йили денгиз флотига қаралди Петербург кадет корпусига кириб ўқийди ва унда астрономия, геометрия, геодезия, назарий механика ва бошқа фанларни қизиқиб ўрганади. Можайский кадет корпусини тамомлагач, 1841 йилдан ҳарбий денгиз флотида хизмат қилабошлайди. Бу даврда у кемасозлик назариясы, денгиз тактикаси ва назарий механикани янада чуқур ўрганишга киришди. Саботли меҳнат ва илмий асосда олиб борган чуқур текшириш ишларининг самараси ўлароқ, у 1855 йилда елканли кема қурди. 1860 йилда эса эшкак винтли темирдан кемачани қуриш ишига раҳбарлик қилди.

А. Ф. Можайский бу соҳадаги ихтиро'чилик ишлари блангина қанеатланиб қолмади. Энди у ҳаво кемаси барпо этиш устида узоқ вақт текшириш ишлари олиб борди. Бу масалани илмий жиҳатдан тўғри ҳал этиш учун даставвал қушларнинг учишини синчиклаб текшириш керак эди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Можайскийдан олдин ўтган кўпгина четел олимлари қушларнинг учишини ўрганиш блан узоқ вақт шуғулланганлар, лекин бу масалани илмий жиҳатдан тўғри ҳал қилаолмаганлар. Улуғ рус олими Можайскийгина чуқур текшириш ишлари олиб бориб, кўп тажрибалар ўтказади. Натижада у қушларнинг учиши ҳақидаги қонунни аниқлади ва шу асосда жуда содда тузилган варвараж-планер ясашга муваффақ бўлди. Можайский ихтиро' қилган бу планер жаҳонда энг биринчи учиш аппаратидир. Ихтиро'чининг ўзи бу аппаратдз бирнеча марта учиб кўрди. Шундан сўнг у ҳаво кемаси ясаш тўғрисида кўплан бўён ўйлаб юрган фикрини амалга оширишга қат'ий киришди.

А. Ф. Можайский ўша вақтдаги денгиз флоти эришган ютуқларни қунт блан ўрганиб, пармашина блан юрадиган кемаларнинг эшкак винтларини чуқурроқ текшириш натижасида ҳосил қилган тажрибалари ва назарий билимларидан фойдаланиб, учиш аппаратини олдинга тортадиган механизмни ўйлаб топди. У 1876 йилга келиб ҳатто юк ортилганда ҳам учаоладиган учиш аппаратининг моделини қурди ва шу блан ҳаводан оғир бўлган аппаратларнинг учиши мумкин эканлигини амалда исбот этди.

А. Ф. Можайский самолётнинг бирнеча хил моделини ясаб, уни синаб кўрганидан кейин ўз лойиҳаси ва мукаммал аэродинамик ҳисоблар асосида 1882 йилда биринчи самолётни қуриб битирди. Бу самолёт ўша йилнинг ёзида Красное селодаги ҳарбий майдонда ҳавода учирилиб синовдан ўтказилди. Шундай қилиб самолётнинг биринчи кашфиётчиси улуғ рус олими А. Ф. Можайский ҳозирги замон авиациясига асос солди. Унинг кашфиётидан 20 йилдан кўпроқ вақт ўтгандан кейингина америкали ака-ука Райтлар ўз аэропланларини қурдилар. Лекин улар аэропланларнинг мураккаб механизмларини ясаш бан боғлиқ бўлган барча масалаларни тўлиқ ҳал қилаолган эмаслар. Бироқ шунга қарамасдан америкали ҳукмрон доиралар ва уларнинг сотқин матбуоти дун'ёда биринчи самолётни америкали ака-ука Райтлар кашф этган деб асоссиз да'во қилиб келдилар. Архив материалларини чуқур текшириб чиқиш натижаси дун'ёда биринчи самолётни рус олими Можайский ихтиро' қилганлигини яққол исботлади.

Тарихий фактлар шуни тасдиқлайдики, фан ва техниканинг турли соҳаларида рус олимлари ихтиро' қилган кўпгина кашфиётларни четел олимлари ўғирлаб, ўзларининки қилиб олганлар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгари, чоризм даврида фан-техниканинг турли соҳаларида ижод қилиш, олимларнинг илмий-тадқиқот ишларини олиб боришлари учун шароит яратиб берилмаган эди. Шунингдек, ўша вақтдаги ҳукмрон доиралар авиация саноатининг ролига ҳам етарли баҳо бермадилар ва бу соҳадаги буюк кашфиётларни қўллаб-қувватламадилар. Чор ҳокимияти ва ушинг амалдорлари ихтиро'чиларга ёрдам кўрсатиш ўёқда турсин, аксинча уларнинг ишига ҳалал бериб келдилар. Лекин ватанпарвар рус олимлари ва ихтиро'чилари бу соҳадаги қийинчиликлар ҳамда тўсқинликларга қарамай табиатни ўзгартириш ва фан-техникада янгиликлар яратиш ишини сабот блан давом этдирдилар. Машҳур ихтиро'чи Можайский ҳам ўзининг самолётни ижод қилиш соҳасидаги буюк кашфиёти блан битмас-туганмас шуҳрат қозонди.

Бизнинг социалистик тузум тарихда биринчи марта халқнинг ижодий кучларини равнақ тоштирди, мамлакатимизда фан ва техниканинг турли соҳалари гуллаб-яшнаши, совет олимлари ва ихтиро'чиларининг кашфиётларини юзага чиқариш учун уларга жуда кенг имкониятлар яратиб берди. Совет олимлари ватан фани ва маданиятининг прогрессив арбоблари яратган улуғ традицияларни сақлабгина қолмай, балки бу традицияларни юксак тараққиёт босқичига кўтармоқдалар.

Мамлакатимизда ватан авиация фани ва техникаси ҳам кенг кўламда ривожланмоқда, отоқли совет конструкторлари кўпдаб янги хил самолётлар ва авиомоторлар яратиб, ватанимизнинг шон-шуҳратини оширмоқдалар.

Машина-трактор станциялари энг янги техника блан та'минланмоқда

Республиканинг машина-трактор станциялари экиш ишларига тайёргарлиқ кўриб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришнинг прогрессив методларини амалга ошириш учун энг янги техника олмоқдалар.

Чигитни квадрат-уялаб экиш учун МТС-ларга биринчи марта «СКГХ — 4» сеялкалар, шунингдек махсус узел ва деталь комплектлари келтирилди. Бу узел ва детальлар ёрдами блан бошқа системадаги сеялкаларни янгича ишлаш учун мослаштириш мумкин бўлади. Механизаторлар ҳам пахта далаларида «НКУ — 2,4» ва «НКУ—2,7» культиваторларини биринчи марта ишлатадилар, бу культиваторлар қозиргача ишлатиб келинган культиваторлардан шу блан фарқ қиладики, улар ёрдами блан қатор оралари 60 ва 45 сантиметр бўлган ерларда гўза қатор ораларини ишлаш мумкин бўлади. Пахтакор МТС лар тўнг сочалиган «НТ — 2054» машиналарнинг биринчи партиясини олдилар.

Пахтакорлар Львов заводида ишлаб чиқарилган «ОКС» маркали чанглагичпурқагич машиналарни қўлланишдан катта фойда олдилар. Бунгай машиналар дизель тракторига осиб қўйилади ва айни бир вақтда уч операцияни: чанглаш, пурқаш ва ерни юмшатиш ишларини бажаради. Экин олдидан ерга минерал ўғит солиш учун кўп МТС лар Кировограддан трактор ўғит сеялкалари юборилди, бу машиналарнинг иш унумдорлиги мавжуд «СУЗ» ўғит машиналарининг иш унумдорлигидан анча юқоридир. МТС лар нинг анча қисми чирянди — тупроқ туваччаларда етиштирилган гўза қўчатларни кўчириб ўтказиш учун энг янги машиналар блан та'минланди.

Янги техника трактор ишлари ҳажмини 30 процентдан ҳам зиёд кўпайтириш имкониятини беради. (ЎзТАГ).

Қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш учун

Мирзачўл шаҳридаги 1-нчи ва 2-нчи пахта тозалаш-заводининг коллективи ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини бажармагаи эди. Коллектив йўл қўйилган камчиликларнинг асосий сабабларини ўрганиб чиқди ва бу камчиликни тузатиш юзасидан конкрет тадбирлар белгилади. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида завод коллективи ҳафталик ва ойлик топшириқларини ортиғи блан бажарабошлади.

1-нчи заводнинг Ю. Ориповв ва 2-нчи заводнинг И. Михайлов ўртоқлар бошчилигидаги цех ишчилари ўзаро социалистик мусобақа асосида ишлаб, янгидан-янги меҳнат ғалабаларини қўлга киритмоқдалар. Илғор ишчилардан К. Ғафуров, старший прессовщик Х. Муҳиддинов ўртоқлар кунлик нормаларини 1,5 — 2 ҳиссадан бажариб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Ғ. КУЗИЕВ.

Заводда амалий машғулотлар

П. П. Беньков номидаги Тошкент рассомчилик мактаби керамика бўлимининг ёш мастерлари ўзларининг амалий машғулотларини Ўзбекистон ССР Маҳаллий ва ёқилғи саноати министрлигига қарашли Тошкент чинни заводида ўтказмоқдалар.

Ўқитучилардан М. Раҳимов ва А. Аминов ўртоқлар завод коллективи блан биргаликда ўқучиларни чинни тайёрлайдиган материаллар, чинни-фаянс қатламларининг тайёрланиши, чинни идишларининг пишириляи, уларга бадиий нусха солиш ва бошқа ишлар блан таништирмоқдалар.

Ўқучилар бу машғулотлар даврида пиёла, коса ва шунинг сингари бошқа уй-рўзғор идишларига ўчмас бўёқлар блан турли бадиий нусхалар ишлаш, уларнинг композицияларини яратиш устида иш олиб бормоқдалар.

ФРАНЦИЯ-СОВЕТ ШАРТНОМАСИ ТЎҒРИСИДА

Совет Ҳукуматининг Франция Ҳукуматига нотаси

Совет Ҳукумати 1954 йил 16 декабрьда Франция Ҳукуматига нота юбориб, бу нотада Франция Ҳукуматининг Париж битимлари деб аталган битимлар тузишдан иборат ҳаракатлари Франциянинг «Иттифоқ ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Франция Республикаси ўртасида тузилган шартнома» юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятларига бутунлай зид эканлиги кўрсатиб ўтилганлиги матбуотда хабар қилинган эди.

Франциянинг Москвадаги элчиси Луи Жокс жаноблари 26 январьда СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотовга Франция Ҳукуматининг жавоб нотасини топширди.

18 марпда СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов Франция элчиси Луи Жокс жанобларига Франция-Совет шартномаси масаласи юзасидан Совет Ҳукуматининг янги нотасини топширди.

Франция Ҳукуматининг 26 январьдаги нотаси ва Совет Ҳукуматининг 18 мартдаги нотаси қуйида э'лон қилинади.

Франция Ҳукуматининг 26 январьдаги нотаси

«Франция элчихонаси Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ташқи Ишлар Министрлигига ўзининг ҳурматини билдиради ва унга қуйидагиларни хабар қилиш шарафига муяссардир.

Совет Ҳукумати ўзининг 16 декабрьдаги нотасида агар 1954 йил 23 октябрьда Парижда имзоланган битимлар ратификация қилинадиган бўлса, бу тақдирда ўзининг Франция-Совет Шартномасини бекор қилиш ниятида эканлигини Франция Ҳукуматига хабар қилган.

Франция Ҳукумати фақат шуни айтиш мумкинки, у дечбир оқлаб бўлмайдиган шундай позициядан жуда таажжубланиб қолди.

Франция Ҳукумати иттифоқ ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Франция-Совет Шартномаси иккала мамлакат ўртасида уруш вақтида ўрнатилган муносабатларни сақлаб қолишга ва тинчликни мустаҳкамлаш ишида шу иккала мамлакатнинг яқиндан ҳамкорлиқ қилишини та'минлашга имкон беришн лозим, деб ҳамиша ҳисоблаб келган эди. Бу ҳамкорлик Европада ҳам ва дун'ёнинг бошқа жойларида ҳам, ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида мақбул йўлда ривожланмаганлиги учун Франция Ҳукумати сабабчи бўлмади.

1944 йил 10 декабрьдаги шартнома имзоланганидан кейинок ва шундан кейин ҳам кўп ҳолларда Франция Ҳукумати Совет Ҳукуматининг ташаббуси блан қилинаётган ҳаракатларга, шунингдек рўй берган фактларга луч келаверди. Бу ҳаракат ва фактлар шу Шартноманинг руҳига ва ҳарфига мос келмайди.

СССР Ҳукумати томонидан 1945 йилдан кейин ўтказилиб келаётган сиёсат ҳақиқатда Европанинг ва Германиянинг парчаланишига олиб келди. Бу мамлакатнинг мажбуран парчаланганлиги Шарқий Германияда, 1950 йилдан бошлаб, қуруқлик, денгиз ва ҳарбий-ҳаво қучлари вужудга келтирилабошлагандан сўнг хатарли даражада кучайиб кетди.

Франция Ҳукумати ўтмишнинг хотираларига ва Шартномага содиқ бўлиб қолишга интилиб, шу Шартномани гумон остида қолдиришни ёқтқачон ўйлагани йўқ, чунки Франция Ҳукумати бу Шартноманинг мақсади Шартномани имзолаган иккала мамлакатнинг манфаатларига ҳам, бутун Европанинг манфаатларига ҳам мос бўлиб тушган мақсадлар деб ҳамиша ўйлаб келган эди. Шунинг учун ҳам у, СССР Ҳукумати тутган позицияга асосли равишда афсусланади.

Париж битимларини ялқомлаштиручи принцип ҳақиқатда Франция-Совет Шартномасига асос қилиб олинган идеяга ёқчбир даражада зид эмас. Бу битимлар Ғарбий Германияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг қоидаларига мувофиқ келадиган қонуний коллектив мудофаа тизимига киритиш, шу битимларда назорат, контроль ва гарантиялар системаси борки, Франция Ҳукуматининг фикрича, бу системани ёйиш барча европа миллатлари учун фойдали бўлур эди. Яна бунинг устига Федерал Республика Ҳукумати ҳеч бир ҳолда куч қўлланмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олган; бундай мажбуриятнинг бузилиши ҳарқандай ёрдам беришлар ва ҳарқандай гарантиялардан жазо тариқасида маҳрум қилиб қўйишга олиб келган бўлур эди ва Устав қоидаларига мувофиқ муқаррар чоралар кўрилишига сабабчи бўлур эди.

Франция Ҳукумати Европадаги агрессия бевосита ёки билвосита қулайлик келтиралиган битимларда ҳеч қачон қатнашмади, Париж битимлари ҳам, Франция-Совет Шартномаси ҳам Франция Ҳукуматининг кўп мисоллар блан исботланган сиёсатининг ҳудди мана шу доимий принципига асослангандир. Бу битимлар ва Шартноманинг Европа ҳавфсизлигини ташкил қилиш ва ўрнатишга тўғри келмайдиган бўлмаслиги ўёқда турсин, балки, аксинча, бу ишга қўшилган ҳиссадир.

Франция Ҳукумати Европада тинчликни мустаҳкамлаш учун қилган ҳаракатларини давом этдиришга ва, бинобарин, кейинги 10 йил мобайнида мавжуд бўлиб келаётган проблемаларни ҳал қилиш мақсадида музокаралар олиб бориш ёки кенгашлар ўтказиш учун қаердай имкониятдан фойдаланишга ёки шундай имкониятни вужудга келтиришга қат'ий бел боғлаган. Франция Ҳукумати бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минбаридан туриб 1954 йил 22 ноябрьда қилган баёнотида хабар бериб ўтди, бу баёнотнинг ҳамма қоидалари унинг учун тўла равишда ўз кучида қолмоқда.

Агар, шунга қарамай, СССР Ҳукумати ўзининг 16 декабрьдаги нотасида айтган ниятини амалга оширмаган бўлса, у ҳолда Франция-Совет Шартномасининг бекор қилинганлиги учун тўла жавобгарликни СССР Ҳукумати ўз устига олади. Франция Ҳукуматига келганда, у, бундай ҳаракат кескинликни ҳамма халқлар истаётганидек юмшатишга ёрдам бермайди, деб яна та'кидлаши мумкин, холос.

Франция Ҳукуматига келганда, у, Ғарбий Европада ҳудди шу идеалга амал қилаётган миллатлар ўртасида тузилаётган уюшма Европа ҳавфсизлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради ва тинчлик ишига хизмат қилади, деб ишониб, ҳарқандай вазиятда ҳам мазкур Шартноманинг руҳига содиқ бўлиб қолмоқда ва бундан кейин ҳам содиқ бўлиб қолади.

Москва, 1955 йил 26 январь».

Совет Ҳукуматининг 18 мартдаги нотаси

«Франция Ҳукуматининг шу йил 26 январьдаги нотаси муносабати блан Совет Ҳукумати қуйидагиларни айтишни зарур деб ҳисоблайди.

26 январьдаги нота Франция Ҳукуматининг Париж битимларини ратификация қилдириш ва амалга ошириш ниятида эканлигидан далолат беради. Бу блан у, Ғарбий Германияни қайта ҳарбийлаштирилиши ва ба'зи ғарб давлатларининг Совет Иттифоқига ва тинчликсевар бошқа давлатларга қарши қаратилган ҳарбий гуруҳларига Ғарбий Германиянинг қўшиб олинишн учун жавобгарликни ўз устига олади.

Шу муносабат блан Совет Ҳукумати шу нарсани айтиб ўтишни лозим деб ҳисоблайдики, Франция Ҳукуматининг Ғарбий Европа ҳарбий иттифоқи тузиш тўғрисидаги Париж битимларида Ғарбий Германияга нисбатан «чеклашлар, контроль ва гарантиялар системаси» кўзда тутилган деб шу системани рўкач қилишн оқлаб бўлмайди. Ўтмишда герман милитаризмининг агрессиясидан жафо тортган ҳеч бир мамлакат қоғозидаги бу гарантиялар, агар герман милитаризми, Париж битимларида кўзда тутилганидек, тикланадиган бўлса, Германиянинг янги агрессияси яна бошланишига қарши лоақал озроқ даражада бўлса ҳам ҳақиқий гарантиялар хизматини қилолади, деб умид қилишн мумкин эмас. Мана шуларнинг ҳаммасини совет халқи ҳам, француз халқи ҳам, Европадаги тинчликсевар бошқа халқлар ҳам унутаолмайдилар.

Франция Ҳукуматининг, гўё Париж битимлари Европа ҳавфсизлигини ўрнатишга ёрдам беради, деб айтган гапларига Совет Ҳукумати қўшилаолмайди. Агар Франция Ҳукумати Европа ҳафсизлигини ўрнатишга чинакам ғамхўрлик қилганида, у, Европада коллектив ҳарфсизлик системасини ташкил қилиш тўғрисида Совет Иттифоқи томонидан қилинган таклифларни асло рад қилмаган бўлур эди. Аммо Франция Ҳукумати бошқа ҳеч бир таклифни ўртага ташламай, бу масала юзасидан Умумевропа кенгашида ҳатто қатнашишдан ҳам бош тортди.

Франция Ҳукумати Совет Ҳукуматининг 1954 йил 16 декабрьдаги нотасида Франция Ҳукуматининг ҳозирги сиёсати иттифоқ ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Франция-Совет Шартномаси юзасидан Франциянинг олган мажбуриятларига тўғри келмаслик ўёқда турсин, ҳатто унинг сиёсати Совет Иттифоқига ва Европадаги тинчликсевар бошқа давлатларга тўғридан-тўғри қарши қаратилган сиёсат деб айтилган гаплар ҳақида ҳеч бир сўз деялмаган. Франция Ҳукумати Париж битимларини ратификация қиллиришга ҳаракат қилиш блан герман милитаризмининг тикланишига ва қайта ҳарбийлаштирилган Ғарбий Германиянинг Ғарбий Европа ҳарбий иттифоқига ва Шимолий Атлантик блокига тортилишига ўз қўли блан ёрдам бермоқдаларжи, бу нарса бутун Европадаги вазиятни жиддий равишда мураккаблаштириб юборишга муқаррар олиб келади ва Европада янги уруш ҳавфини кўп жиҳатдан кучайтиради. Франция Ҳукуматининг бундай сиёсати Франция-Совет Шартномасининг руҳига ва ҳарфига бутунлай зиддир.

Юқорида айтилганларга биноан, Совет Ҳукумати 1954 йил 16 декабрьдаги нотада баён қилинган ўз позициясини та'кидлайди ва яна айтадики, Париж битимларининг ратификация қилиниши иттифоқ ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Франция-Совет Шартномасининг бекор қилинишига олиб келади, бунинг учун бутун жавобгарлик Франция Ҳукуматининг устига тушади.

Москва, 1955 йил 18 март».

Франция элчиси мазкур нотани дарҳол ўз ҳукуматига топширажагини айтди.

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА НАЗАРИЯНИ УРГАНУЧИЛАРГА ЁРДАМ

САН'АТ ВА АДАБИЁТ—ИЖТИМОИЙ ОНГ ФОРМАСИ

Тарихий материализм, кишиларнинг онги уларнинг борлигини белгиламайди, балки, аксинча, уларнинг ижтимоий борлиги уларнинг онгини белгилайди, деб та'лим беради. Жамият моддий ҳаёти шароитларининг ўзгариши, даставвал моддий бойликлар ишлабчиқариш усулининг ўзгариши ижтимоий онгнинг ҳам ўзгаришига олиб келади.

Онг жамият моддий ҳаёти тараққиётининг зарур эҳтиёжлари асосида юзага келиб, нисбий мустақилликка эга бўлади. Ижтимоий онг тараққиётидаги ўтучаклик ҳам ана шу блан боғлиқдир. Ижтимоий онг, идеялар нисбий мустақилликка эга бўлганлиги туфайли жамият моддий ҳаёти тараққиётига катта та'сир кўрсатадилар.

Ижтимоий идеялар турличадир. Жамиятда ўлиб бораётган кучларнинг манфаатларини акс этдирувчи эски, реакцион идеялар ҳам бўлади. Бундай идеялар жамиятнинг ривожланишига тўсқинлик қиладилар. Айни вақтда жамиятнинг илғор кучлари манфаатларини акс этдирган янги ижтимоий идеялар ҳам мавжудир. Бу идеялар жамият моддий ҳаётининг зарур эҳтиёжларига мос келиб, ижтимоий тараққиётнинг боришини енгиллаштирадилар ва тезлаштирадилар.

Идеологик нарсалар устқурманинг бир қисмидир. Ма'лумки, устқурма ишлабчиқарувчи кучлар, ишлабчиқариш блан тўғридан-тўғри боғланмай, балки базис воситаси блан боғлангандир. Шунинг учун идеологик нарсалар ишлабчиқариш тараққиётига, ишлабчиқарувчи кучлар тараққиётининг даражасига тўғридан-тўғри боғлиқдир, деб ўйлаш хато бўлар эди. Агар биз идеологик ҳодисаларни англаб етишни истар эканмиз, уларни ишлабчиқарувчи кучлар тараққиётининг даражасига бевосита боғлиқ қилиб қўймай, балки бу ҳодисаларнинг социал негиаларини ишлабчиқарувчи кучлар блан ишлабчиқариш муносабатлари нисбатидан изломоғимиз керак.

Шундай қилиб, янги идеяларнинг келиб чиқишини янги ишлабчиқарувчи кучлар блан эски, ўз умрини тугатган ишлабчиқариш муносабатлари, я'ни эски базис ўртасидаги конфликтдан изламоқ зарур. Демак, идеологик ҳодисаларни тушуниб етиш учун уларнинг сабабини жамият моддий ҳаётининг зарур эҳтиёжларидан, синфий зиддиятларнинг характери ва даражасидан ахтариш керак.

Марксизм-ленинизм, идеология ёки бошқа сиёсий, философик, бадиий, ахлоқий идеялар ҳамда қарашлар синфий жамиятда синфий характерга эга бўлади, деб ўргатади. Бу идея ва қарашлар ма'лум бир синф манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади.

Ҳозирги замон буржуа идеологияси империалистик буржуазия манфаатларини акс этдиради. Бу идеологиянинг реакцион моҳияти шундан иборатки, у фашизм, ирқчилик, миллий камситиш идеясини ҳамда империалистик урушларни жон-жаҳди блан ҳимоя қилади. Бу чиркин ва тайғилмий идеологиянинг да'волари жамият тараққиётининг об'ектив йўналишига тамомила қарама-қаршидир. Буржуа идеологияси халқ оммаси онгини бузишга қаратилган, оммани ўлиб бораётган буржуа тузумига, ҳуқуқсизлик ва қашшоқликка жарши олиб боралиган революцион курашидан четга тортишга қаратилгандир.

Социалистик идеологиянинг буржуа идеологиясидан тубдан фарқ қиладиган жойи шундаки, у жамиятнинг зарур моддий эҳтиёжларини, ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг манфаатларини акс этдиради. Бу идеология ўз умрини яшаб бўлган капиталистик тузумни тугатишга ҳамда янги, коммунистик тузумни вужудга келтиришга қаратилгандир. Социалистик идеология — миллатларнинг дўстона ҳамкорлиги ва тенгҳуқуқлилиги идеологиясидир. У кишиларни эзишнинг ҳарқандай шаклларига қарши бўлиб, коллективизм, чинакам гуманизм, социалистик Ватанга муҳаббат, бутун дун'ёда коммунизмнинг муқаррар ғалаба қозонишига ишонч руҳи блан суғорилгандир.

Сиёсий идеялар, философия, ахлоқ, сан'ат, дин — буларнинг барчаси ижтимоий онгнинг турли формаларидир. Дун'ёни ўз специфик воситалари блан тушунтириучи бу ижтимоий онг формаларининг ҳарбири ўзига хос алоҳида хусусиятларга эга. Буларнинг ба'зилари об'ектив борлиқни нотўғри акс этдирадилар, ташқи дун'ё тўғрисида фантастик тушунча берадилар, унн бузиб кўрсатадилар. Даставвал дин ана шундай ижтимоий онг формаларидан биридир.

* * *

Ижтимоий онгнинг энг муҳим формаларидан бири сан'ат ва адабиётдир.

Ижтимоий онг формаси бўлган сан'ат ва адабиётнинг специфик хусусияти шундан иборатки, у борлиқни бадиий образлар воситаси блан ифода этади. Сан'ат худди ана шу образлар ва уларнинг системаси орқали реал борлиқнинг моҳиятини очиб беради, ҳаёт ҳақиқатини акс этдиради. Бадиий ҳақиқат — ҳаёт ҳақиқатидир. Бу ҳақиқат сан'атнинг ҳарбир турн тараққиётининг қонуниятларига мувофиқ равишда образлар шаклида акс этдирилади.

Материя ҳаракатининг айрим формаларини текширучи табиат фанларидан сан'атнинг фарқи шундаки, у табиат ва жамиятда ижтимоий кишн учун муҳим бўлган барча ҳодисаларга мурожаат қилади ва у ҳодисаларни жонли, конкрет бирликда олиб акс этдиради. Табиатнинг энг ажойиб ва энг етук маҳсули инсондир ва, демак, инсон сан'ат ва адабиётнинг асосий предмети эканлигн табиийдир. Инсон сан'ат ва адабиётнинг бош предмети эканлигини назарда тутиб, М. Горький адабиётни «одамшунослик» деб атади.

Кишн ва унинг характери ижтимоий турмуш шароитлари заминида шакланади. Бу—сўз сан'ати бўлган бадиий адабиёт асарларида кўзга айниқса яққол ташланиб туради. Адабиётнинг бошқа сан'ат турларидан алоҳида хусусияти унинг тил блан узвий боғлиқлигидадир. Тил—«фикрнинг бевосита воқи' бўлишидир» (К. Маркс), шу сабабли тил воситаси блан кишн руҳининг ҳамма бойликларини жонли ҳаракатда, ривожланиш жараёнида тасвирлаш мумкин. Шунинг учун ҳам И. В. Сталин ёзучиларни «кишн руҳининг инженерлари» деб атади.

Образ борлиқнинг муҳим ҳодисаларини ўзида ҳаққоний равишда умумлаштирганлигина чинакам бадиийликка эга бўлади. В. Белинский уқдириб ўтгандек, поэзия ҳақиқатда бўлмаган нарсаларни ўзича ўйлаб чиқармайди. Шуниг учун поэтик асарнинг фазилатига бериладиган баҳо унинг ҳаётни қанчалик тўғри акс этдириши блан ўлчанади. Ҳаётни ҳаққоний акс этдиручи асарларгина чинакам сан'ат асарлари бўлаолади. Утмишда О. Бальзак ва Л. Толстой сингари буюк реалист ёзучилар ҳаётнинг ички об'ектив қонуниятларига шу қадар чуқур кириб борган эдиларки, натижада улар яратган асарлар ҳаётни билишда катта аҳамиятга эга бўлди ва ҳозир ҳам шундайдир.

Ҳаётни чуқур ўрганиш чинакам сан'ат асари яратишдаги энг зарур шартлир, сан'ат тараққиётининг об'ектив қонунларидан биридир. Агар сан'аткор ҳаёт ҳақиқатини четлаб ўтса, у бирорта ҳам жиддий асар яратаолмайди.

Реалистик сан'ат типик характерларни типик шароитларда акс этдиргани ҳолда реал ҳаётнинг об'ектив қонуниятларини ўзига хос формада акс этдиради. Типиклик проблемаси — сиёсий проблемадир. Турмушда тез-тез такрорланиб турадиган, қандайдир статистик ўртача бир нарса типик ҳодиса бўлавермайди, балки у муайян ижтимоий кучнинг моҳиятини энг тўлалигн ва улугворлигн блан ифодаловчи нарсадир. Масалан М. Горький Россия пролетариати кучнинг ўсганлигини, унинг уюшқоқлигн ҳамда онги ошганлигини Павел Власов образи орқали ишонарли равишда очиб беради. Ўртаҳол деҳқонларнинг коллектив хўжаликка бўлган муносабатлари, уларнинг колхозга ўтишдаги иккиланишлари, сўнгра коллектив хўжаликнинг афзаллигини тушунгач, уни қат'ий равишда қўллаб-қувватлаганликлари ёзучи М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романидаги Кондрат Майданников образида ифода этилгандир. Типиклаштиришнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, умум, туб моҳиятлар ёлғиз, «индивидуал нарсаларда, воқи' бўлади.

Совет халқининг улугворлигини бутун тўлалигн блан ифодалаб бериш сан'аткорларимизнинг муқаддас бурчидир. Ҳаққоний сан'ат яратиш, чуқур фикрлар ва ҳислар блан тўла бўлган, совет кишиларининг бой ма'навий ҳаётини чуқур очиб берадиган, ўз қаҳрамонларининг образларида уларнинг бир-бири блан ажралмас равишда боғланган меҳнат фаолияти, ижтимоий ва шахсий ҳаётининг бутун хилма-хиллигини гавдалантирадиган сан'ат яратиш совет ёзучиларининг бурчидир. Адабиёт ва сан'атимизнинг асосий қаҳрамони халқ бўлмоғи керак. Ёзучиларимиз турмуш ҳақиқатига таянганлари ҳолда, совет кишиларини янги ҳаёт учун актив курашчи, ижтимоий муносабатларни ўзгартучи, коммунизмнинг актив қуруучси сифатида кўрсатишлари керак. Ижобий қаҳрамон образини яратиш совет ёзучиларининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу образ Коммунистик партиявийлик позициясида турибяратилса, буюк эстетик идеаллар нури блан ёритилса, у коммунистик тарбия ишида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бадиий асардаги форма блан ғоявий мазмуннинг бир-бирига мос келуви принципи реалистик сан'атнинг муҳим об'ектив қонунларидан биридир. Бу қонунга амал қилмай туриб, асарнинг юксак ғоявий-бадиийлигига эришиб бўлмайди. Яратилган барча мукаммал сан'ат асарлари ҳамавақт гўзал ва шу блан бирга равшан, соддадир. Шунинг учун ҳам улар миллионларча кишиларнинг онгига тез сингиб кетади. Ғоясизлик, формани мазмундан ажратиб қўйиш ва формани асарнинг асосн деб билиб, шунга амал қилиш формализмга олиб боради. Формализм идеализмнинг сан'атдаги кўринишларидан биридир.

* * *

Ленинизм та'лим бериб айтадики, бизнинг адабиётимиз сиёсатдан йироқ бўлаолмайди, «сан'ат учун сан'ат» бўлаолмайди, бизнинг адабиётимиз ижтимоий ҳаётда муҳим тарбиявий роль ўйнамоги керак. В. И. Ленининг адабиёт тўғрисидаги фанга қўшган муҳим ҳиссаси, адабиётнинг партиявийлигн тўғрисидаги ленинча принципи ана шундан иборат. В. И. Ленин, коммунистик партиявийлик меҳнаткашларнинг жамиятни революцион тарзда қайтадан қуриш йўлидаги курашида уларнинг манфаатларини энг тўла даражада акс этдиришини кўрсатиб берди. Коммунистик партиявийлик позициясида ошкора ва астойдил турган ёзучи турмушнинг моҳиятини чуқур ҳис қилади, янгиликнинг эскилик устидан ғалаба қилиши муқаррар эканлигини ва бу ғалабанинг йўлларини жуда тўғри кўрсатиб беради.

М. Горький ўзининг «Воқи'лик тўғрисида» деган мақоласида бундай деб ёзган эди: «Адабиётчи синфнинг кўзи, қулоғи ва овозидир. Адабиётчи буни э'тироф қилмаслиги, инкор қилиши мумкин, бироқ у ҳар вақт ва муқаррар равишда синфнинг органи, унинг сезги а'зосидир. У ўз синфи, ўз гуруҳининг истаклари, иштироблари, орзулари, ҳаваслари, манфаатлари, нуқсонлари ва фазилатларини сезиб туради, шаклдантиради, тасвирлаб беради».

Сан'ат тарихи курашаётган синфларнинг манфаатларини ҳимоя қилучи турли оқим ва мактабларнинг кураш тарихидан иборатдир.

Ҳозирги замон буржуа сан'ати реакция йўлдошидир. Реализмни тамомила инкор этиш, ўзбошимчалик ва ўтақетган суб'ективизмни кўкларга кўтариш, шахсиятпарастликни, пессимизмни ҳамда мистиканн тарғиб қилиш, халққа қарши ишларни ва ғоясизликни ҳимоя қилиш, бадиий формани буқиш — ҳозирги замон буржуа сан'атининг характерли хусусиятларидир. Ҳозирги даврда ўғрилар, айғоқчилар, сотқинлар, фоҳишалар, безорилар ва қотиллар буржуа адабиётининг «бош қаҳрамонлари»дир.

Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги остида иш олиб бораётган совет адабиёти дун'ёда энг илғор, энг ғоявий адабиётдир. Совет адабиёти вужудга келганидан бери буюк юксакликкга кўтарилди ва жуда катта ижодий муваффақиятларни қўлга киритди. Совет адабиёти шаклан миллий, мазмунан социалистик адабиётдир. СССР-даги деярлик ҳарбир қардош халқ адабиёти жуда кўп ёзучиларн ва уларнинг асарларини майдонга чиқарди. Натижада уларнинг номлари мамлакатимизда машҳур бўлиб қолди. Қардош халқларимиз адабиётидаги олижаноб идеаллар, чуқур гуманизм, ватанпарварлик ва интернационализм руҳи чириб бораётган буржуа адабиёти ва сан'атига тамомила қарама-қаршидир.

ФЕЛЬЕТОН

Антиқа касал

Кечагина соғ-саломат бинойидек савдосотиқ қилиб юрган дўкон мудири Отажон Собиров нақотки бирдан касал бўлиб қолган бўлса? Тағин унақа-бунақа касал бўлса ҳам майли-я, келиб-келиб тентак бўлган эмиш. Ҳамма «Отажон тентак бўлган эмиш, фалончи айтди» дейди. Лекин ҳечким «тентак бўлгани рост, ўз кўзим блан кўрдим» демайди. Бир куни Отажоннинг ёри-биродарлари тўпланишиб ҳол-аҳвол сўрагани унинг уйига бордилар. Улар бориша бордилар-у, лекин Отажоннинг дийдорини кўришга муяссар бўлмадилар. Отажоннинг дадаси Собиржон қассоб ичкаридан лапанглаб чиқиб, ўғлининг қадрдонлари блан қуюқ сўрашди. «Келинглар», деди, аммо уларни «қани ичкарига» деб таклиф қилмади. Ниҳоят йигитлар:

— Отажонни кўргани келган эдик, — дейишди.

— Жуда соз қилибсизлар, раҳмат, ошна-оғайни мана шунақа маҳалда, кишининг боши ёстиққа текканда асқатади-да, —деди Собиржон қассоб, ма'юс оҳангда.

— Ўзи дурустми? — сўради йигитлардан бири.

— Қайқда дейсиз, аҳволи оғир, ким кирса урушиб, вайсаб кетади, танимайди... Ўғлини сўрасангиз ўзимга ҳам мушт кўтарди-да, эй ука нимасини айтасиз...

Отажоннинг қадрдонлари эшик олдидан ўз изларига қайтиб кетишди. Шундан сўнг миш-миш гаплар яна авжига чиқди. Отажон у эмиш, Отажон бу эмиш, олдидан келса тишлар эмиш, орқасидан келса тепар эмиш, расмона тентак бўлган эмиш...

Орадан сал ўтгач мана бундай янги хабар тарқалди: Собиржон қассоб жуда ғамгин, аэбаройи мушкилининг оғирлигидан руҳи тушган ҳолда Сирдар'ё районининг Велико-Алексеевскийдаги Сталин сельосига кириб келди. У йиғламсираб сўз бошлади:

— Якка-ю ягона ўғлим Отажон тентак бўлиб қолди. Дўконини бирор кишига ўтказиб берилса, сельпога ҳам жабр бўлмаса, мен тортаётган азоблар етар, — деди.

Бу хабарни эшитган Сталин сельосининг раиси Турсун Каримов, савдо бўлим мудири Турғун Хизировлар жуда шошиб қолдилар. Бу ҳодисанинг нима учун ревизиядан кейин юз берганлиги ҳақида ўйламадилар. Агар ростдан Отажон шу куйга тушиб қолган бўлса, уни даволаш, унга ғамхўрлик қилиш лозимлигини эсларига ҳам келтирмадилар. Қолаберса Отажоннинг тентаклигини исботлайтиган докторларнинг справкаси борми-йўқлигини ҳам суриштириб кўрмадилар. (Улар учун бу шарт ҳам эмас эди). Ниҳоят бемор ётган одамни ишдан бўшатиш мумкин эмаслигини ҳам ҳисобга олмай, дарҳол қаламни пешлаб Отажон Собировни ишдан бўшатиш ҳақида шартта буйруқ бердилар.

Буйруқ амалга ошди. Ниҳоят дўконни ўтказиш вақтида 10773 сўм кам келди, холос. Бу сельпо учун нима деган гап, буни бирор ёнидан тўламайди-ку, ахир.

Аслида иш қандай бўлгани ҳақида икки шингил эшитайлик:

Юздан тўқсон тўққизни уришга одатланиб қолган Отажон Собиров илгари Велико-Алексеевский бозорида сборчилик қилар эди. Дастлаб, у 1949 йил 28 майда шу ишга жойлашиб олди. Сал ўтмай 22 июльда қўли «эгри» бўлгани учун область савдо бўлимининг 200-нчи буйруғи блан ишдан бўшатилди. 25 августда яна вақтинча сборчи қилиб тайинланди. Бу орада «Қизил юлдуз» газетасида Собировнинг қинғир ишлари ҳақида хабар ҳам пайдо бўлди. Район ижроия комитети уни ишдан бўшатишни талаб қилди. Шундан сўнг Собиров «ўз аризасига мувофиқ» деган баҳона блан ишдан бўшатилди.

1951 йил 7 июльда район савдо бўлимининг мудири Шегайнинг талаби блан бозорком директори сборчи Ғаниевни бўшатиб, ўрнига Собировни ишга тайинлади. Собиров яна ўз фаолиятини давом этдираверди. Хуллас, Отажон Собиров Велико-Алексеевский бозоркоми томонидан 5 марта ишга олиниб, 5 марта ишдан бўшатилди.

Собиржон қассобнинг ёғлик дастурхонининг азиз меҳмони бўлиб келган К. М. Шегай ҳамиша Отажон Собировни ўз паноҳида сақлаб келди. Бейин бу нарса ошкора бўлиб қолгач, Шегай 1952 йил 28 июльда партиявий жазо ҳам олди. Лекин шунга қарамай, Собиров бозордан 1952 йил 2 августда ишдан бўшатилгач, Шегай уни сельпода бирорта ишга жойлаштириш учун ҳаракат қилди. Собиров закусочнийда ишлаб пивони кўпиртириб сотаётгани блан бунинг устига 3 минг сўм растрат қилиб қўйди. Лекин бу ишнинг ҳали чиқарилмади. Дарҳол бу иш «Туя кўрдингми ёўқ, боласиничи, йўқ» бўлиб кетди. Отажон Собиров яна «ўз аризасига мувофиқ» ишдан бўшатилди.

Собиров сал шамоллаб олгач, «ўз аризасига мувофиқ» лўкон мудири қилиб ишга тайинланди. Отажон Собиров магазинда 10773 сўм растрат қилиб қўйди. Унинг даласи Собиржон қассоб бу қалтис ҳодисадан қўрқиб янги ва сўнгги чорани ўйлаб чиқарди. Я'ни «Отажон тентак бўлди» деб ғап тарқатди.

Бу сўнгги найрангни эшитиб сельпо раҳбарлари қойил қолдилар. «Ҳам ўзингизнинг, ҳам бизнинг жонимизга ора кирдингиз» дедилар. Растрат қилган пулни Собиржон қассобдан ундириб, Отажон Собировни «тентак» деб жиноий жавобгарликдан асраб қолдилар. Шунинг учун улар Собировнинг «тентак»лигини кўрсатадиган справкани ҳам талаб қилмадилар.

Ҳозир Отажон Собировнинг иши битиб, эшаги лойдан ўтди, ҳисоб. Энди Велико-Алексеевскийда, Отажон тентак бўлмаган экан-у, бор-йўғи оёғи оғриган экан, деган миш-миш гаплар тарқалабошлади. Энди одамлар «унинг бошидаги касал оёғига тушиши, унинг касалидан яқинда асар ҳам қолмас эмиш» деябошладилар.

Бизнингча бошдан оёққа, оёқдан бошга кўчиб юрадиган «антиқа» касалига ҳам дори топилди. Бу дори сельпо раҳбарларини ҳам, район савдо бўлимининг бошлиқларини ҳам бирйўла қўшиб даволайди.

Б. ХАЛИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Мазаҳўрак“

Газетамизнинг 1954 йил 21 ноябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида ўртоқ Босит Халиловнинг фельетони чиққан эди. Фельетонда фотограф М. Ҳусановнинг УзТАГ фотокорреспонденти ниқоби остида ғайри қонуний равишда колхозлардан пул олгани, икки боласи блан хотинини қўйиб, бошқага уйланганги ва бошқа кўпгина кирдикорлари фош қилинган эди.

Тошкент область прокуратурасидан редакциямизга хабар қилинишича, текширишда фельетонда келтирилган фактлар тасдиқланган. М. Ҳусанов колхозлардан ғайри қонуний равишда олган пулларини қайтариб берган, жумладан Гулистон районидаги «Красная заря» ва Калинин номли колхозларга 3900 сўм, Мирзачўл районидаги Будённий номли колхозга 3400 сўм қарзини тўлаган. Шунингдек, ҳеч жойда ишламагани ҳолда, колхозчиларнинг фотосуратларини олиб, хусусий иш блан шуғулланиб юрганлиги учун Мирзачўл район молия бўлими ундан 796 сўм налог ундириб олган.

Ерни ҳайдаш, бороналаш ва экишга тайёрлаш ишларини бир-бирига боғлаб олиб борайлик!

★

Ерлар чигит экишга пухта тайёрланмоқда

Бекобод райони пахтакорлари янги, прогрессив усул блан чигит экиладиган майдонларни тайёрлашга алоҳида э'тибор бермоқдалар. 1-нчи Бекобод МТСи зонасидаги Дзержинский номли колхозда кўклам дала ишлари қизғин бораётир. Бу колхознинг пахтакорлари механизаторлар блан ҳамкорликда ишлаб, 1000 гектардан ошиқ ерни чигит экишга тайёрлаб қўйдилар.

Шу МТС зонасидаги Маленков номли, Молотов номли ва Киров номли колхозларда ҳам ер ҳайдаш ишлари барвақт тамомланди ва ҳозир пайкаллар чигит экиш учун тайёрланмоқда. Ер карталарини йириклаштириш, суғориш тармоқларини тартибга солиш ишлари тугалланай деб қолди. Бу МТС зонасидаги колхозлар гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштириш учун мусобақалашмоқдалар.

Райондаги 1-нчи «Далвароқин» совхози далаларида ҳам кўкламги ишлар кенг кўламда олиб борилмоқда. Механизаторлар, ишчилар пахта қайқларини текислаб янги усул блан экишга тайёрлаш учун мусобақалашмоқдалар. Совхоз бўлимларида ер намини сақлаб қолиш учун ҳайдалган ва ҳайдалмаган ерларни борона қилиш ишлари қизғин давом этмоқда. Шу усул блан 2000 гектардан ошиқ ер чигит экишга тахт қилиб қўйилди. Механизаторлар қишлоқ хўжалик машиналарини ва бошқа воситаларни тайёрлаш блан янги усулда торқаторлаб чигит экиладиган майдонларни ишлашга алоҳида э'тибор бермоқдалар.

Бекобод районидаги пахтакор колхоз ва совхозларда чигитни қисқа муддатда сифатли қилиб экиб олиш учун ҳамма чоралар кўрилаётир.

А. АБДУРАЙИМОВ.

Янги усулда чигит экиш учун

«Қизил Октябрь» колхози пахтакорлари Верхне-волинск районидаги колхозлар орасида мўл ҳосил етиштиришда бой тажрибалари блан ном чиқарганлар. Шу кунларда колхоз далаларида ерларни чигит экишга тайёрлаш қизғин бораётир. Бу йил колхоз 1250 гектар ерга чигит экади.

Илгор пахтачилик бригадалари янги, прогрессив усулда торқаторлаб чигит экиладиган майдонларни тайёрлашга алоҳида э'тибор бермоқдалар. Т. Аҳбаров, К. Маҳкамбоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ерлар агротехника талабларига мувофиқ экишга тайёрланди. Минераль ва маҳаллий ўғитлар солиниб шудгор қилиб қўйилган пайкаллар бороналаниб экишга тахт қилиб қўйилди.

Ўртоқ Х. Шералиев бошлиқ комсомол ёшлар бригадаси ҳам 85 гектар экин майдонини чигит экишга тайёр қилди. Бу бригада янги агротехниканы жорий қилишда бошқаларга намуна бўлаётир. Ер пайкалларини текислаш ишларини тугаллаб, чигит ивитадиган ва чигит сақлайдиган жойларни ҳам тайёрлаб қўйди. Бригада а'золаридан М. Ҳакимов, З. Мирхалилов ўртоқлар кунлик иш нормаларини икки ҳиссадан ошириб бажармоқдалар.

«Қизил Октябрь» колхози пахтакорлари янги, прогрессив усулларни катта майдонларда муваффақиятли амалга ошириш учун уюшқоқлик блан ишламоқдалар.

Э. САРСЕНОВ.



Ўртачирчиқ районидаги 1-нчи МТС нинг бригада механиги А. Обидов ремонт механиги П. Намдан тайёр сеялкани текшириб қабул қилиб олмоқда.
М. Шевелев фотоси.

Пискент механизаторларининг аҳди

ПИСКЕНТ («Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбиридан). Райондаги 1-нчи МТС механизаторлари бу йил тракторлар ремонтини муддатидан илгари тугаллаш, «универсал»лар, сеялка ва плугларни ҳамда бошқа тирков машиналарини янги усулда ишлашга мослаштиришни муваффақиятли ўтказиш учун зўр ғайрат блан ишладилар.

Яқинда трактор ремонти ва мослаштириш ишлари тугалланганлиги ва трактор бригадаларининг колхоз далаларига чиқиб кетаётганликлари муносабати блан МТС механизаторларининг кенгаши ўтказилди. Кенгаш ремонт ишларига якун ясади ва механизаторлар олдида турган вазифаларни кенг муҳокама қилди. Бу МТСда ҳайдов тракторлари ремонт қилиб бўлинди. Экишда ишлатиладиган «универсал»лар, квадрат уялаб, торқаторлаб чигит экадиган сеялкалар мослаштирилиб, колхозларга юборилди. МТС коллективи сеялкаларни мослаштиришда Бекобод районидаги 1-нчи МТСга ёрдам берди.

Ремонт ишларида, трактор ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик асбобларини янги усулга мослаштиришда Киров номли колхозга хизмат қилучи Владимир Беляков механик бўлган 10-нчи бригада, Ленин номли колхозда хизмат қилучи Иброҳим Раҳимқулов механик бўлган 4-нчи бригада ва Шариф Аҳмедов механик бўлган 9-нчи бригадалар ҳаммага намуна бўддилар.

Ремонт ва мослаштириш ишларида дизель электростанциясининг машинисти Люманов, токарь Соловокой, темирчи Хигай, слесарь Бреславский ўртоқлар яхши хизмат кўрсатдилар. Улар ремонт вақтида смена топшириқларини ҳарбиям 180 — 200 процент бажардилар.

Механизаторлар кенгашида райком секретари Ўртоқ Латипов 1955 йилда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда район олдида турган вазифалар ҳамда механизаторларнинг бурчлари тўғрисида доклад қилди.

Кенгашда бригада механиклари Саидхонов, Раҳимқулов, Гурьев, механик ёрдамчиси Йўлдош Абдуллаев ва бошқалар сўзга чиқиб, Пискент районидаги 1-нчи МТС механизаторлари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини бажариш учун, районни қолоқликдан чиқаришга муносиб ҳисса қўшишга қат'ий қарор берганликларини айтдилар.

Область Советининг депутати 6-нчи трактор бригадасининг бошлиғи Ўртоқ Саидхонов бунлай деди:

— Районимиз кўп йиллардан бери хўжалик планларини бажармай келмоқда. Бу ҳол бизнан тракторларнинг иш унумдорлигини оширишни ҳамда ишни сифатли қилиб бажаришни талаб қилади. Бизнинг трактрочиларимиз янги усулда чигит экишни ўргандилар. Биз чигитни юқори сифатли қилиб 10 кунда экиб олишга аҳд қилдик.

Ўртоқ Саидхонов бригада трактрочилари номидан 25 йиллик тажрибага эга бўлган ўртоқ Раҳимқулов бригадасини социалистик мусобақага чақиради. Раҳимқулов бу чақириқни қабул қилади. Шундан кейин ҳамма трактор бригадалари ўртасида социалистик мусобақа шартномалари тузилади.

Пискент районидаги 1-нчи МТС коллективи ҳарбир «универсал» блан квадрат-уялаб экиладиган ерларда мавсумда 80 гектардан, торқаторлаб экиладиган пайкалларда 120 гектардан чигит экиш ҳамда ҳарбир «универсал» блан мавсумда 1200 гектар ерни кўчдалангига ва ўзунасига культивация қилиш мажбуриятини олиб, Ўртачирчиқ районидаги 1-нчи МТС коллективини ҳамда Пискент районидаги 2-нчи МТС коллективини социалистик мусобақага чақирди.

Ҳамма трактор бригадалари тўла комплектлашган ҳолда колхозларга жўнаб кетди.

Дала ишлари қизитилди

Орджоникидзе районидаги Киров номли колхоз пахтакорлари ўтган йили ҳар гектар ердан 39,1 центнердан ҳосил етиштириб, жатта даромад олишди. Бу йил колхозда ҳамма майдонда чигитни торқаторлаб квадрат ёшкила экишга киришилмоқда. Бу эса пахта ҳосилини янада оширишни та'минлайди.

Пахта майдони шудгорлаш олдидан агротехника талабларига мувофиқ маҳаллий ва минерал ўғитлар блан ўғитланди. Ер карталари яна йириклаштирилди, янги суғориш системасига ўтиш схемаларига мувофиқ суғориш тармоқлари қайта тузатилди.

Колхозда чигитни 60х45, 60х60 схемаси блан экиш учун алоҳида майдонлар ажратилган. Бу ерлар текисланиб, чигит экишга қатт қилиб қўйилди. 6 бригадада чигит ивитиладиган жой ва уруғлик чигитни сақлайдиган махсус биноларр ажратилди. Чигитни далага ташиш учун алоҳида тайёрланган транспорт воситалари тахт қилиб қўйилди.

Колхозда беда экиш муваффақиятли ўтказилди. 60 гектар майдонга арпа ва сули блан аралаштириб беда уруғи сепилди. Эски бедапоялар бороналанди ва ўғит сепилди.

★

Коммунистлар — кўкламги экишга намунали тайёргарлик кўришнинг ташкилотчилари

ЯНГИЙЎЛ. (ЎзТАГ). Сталин номли колхоз а'золари экиш кампаниясини ишчанлик блан кутиб олмоқдалар. Чигитни қатор ораларини торайтириб, квадрат-уялаб экишни муваффақиятли равишда ўтказиш учун ҳамма жойларда далалар яхши текисланди, энг тажрибали колхозчилар орасидан етарли миқдорда чигит экучилар, сигнальчилар, контролёрлар ажратилди. Далаларга ўғит чиқарилди, чигитни ивитилган чуқурлар қазиб қўйилди.

Кўкламги экишга намунали тайёргарлик кўришда коммунистлар ташкилотчи бўлмоқдалар. Колхоз партия ташкилотининг ташаббуси блан пахтакорлар ва колхозга бириктирилган трактрочиларнинг бирлашган йиғилишида ўтказилди. Йиғилишда экиш агрегатлари экишжаларига тайинланган колхозчилар ҳажжжат бўлиб ишлаш ҳақида механизаторлар блан келишидилар, экиш вақтида кучларни жой-жойига қаналай тақсимлаб қўйиш ҳақида яна бир марта ўйлаб кўрдилар. Экишжаларнинг а'золари ўз имкониятларини ҳисоблаб, чиқиб, экишни ўз иш кўни ичида ўтказишга қарор қилдилар.

Партия ташкилотининг ердами блан колхоз правлениеси колхоз активи учун чигитни квадрат-уялаб экиш юзасидан кўшимча машғулотлар ташкил қилди. Далачилик бригадаларининг ҳамма 12 раҳбари суғорилаган деҳқончиликни механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий-текшириш институтининг тажриба даласида бўлиб, бу ерда янги агротехника қоидаларини кўлланиш блан танишди.

Ҳозирги вақтда партия ташкилотининг қарори блан колхозда бригадаларнинг экишга тайёргарлиги ўзаро текширишдан ўтказилмоқда.

Сталин номли колхоз партия ташкилотида 43 коммунист бор. Коммунистларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришнинг ҳал қилучи участкаларига тақсимлаб қўйилган ва уларнинг ҳарбири меҳнатда шахсан намуна кўрсатмоқда.

Коммунистлардан Б. Ўртабоев, Е. Абдусафаров ва С. Қорахўжаев ўртоқлар бошчилик қилаётган далачилик бригадалари пахта ҳосилини ўтган йилдагига нисбатан гектарига 2—2,5 центнер ошириш учун мусобақани бошлаб бердилар.

Гектаридан 80 центнер учун

Сирдар'ё районидаги Каганович номли колхозининг Соли Назаров бошлиқ звено а'золари ўтган йили 16 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил олиб, юқори кўрсаткичларга эришдилар. Улар бу йил пахта майдонларини 2 гектарга кенгайтирдилар. Баланд-паст ерларни текислаб, сифатли қилиб ҳайдаб қўйдилар. Звено а'золари бу йил ҳар гектаридан 80 центнердан ҳосил олиш учун кўкламги дала ишларини қизитиб юбордилар. Улар далага кўплаб маҳаллий ўғит чиқариб қўйдилар. Ирригация-мелиорация ишларини тугалладилар. Звено а'золари бу йил 18 гектар пахта майдонининг ҳамма сига 45Х45 сантиметр схемаси бўйича экишни планлаштирдилар. Бунинг учун пахта майдонлари экишга тахт қилинди.

Д. Ҳолматов бошлиқ звено а'золари 12 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 82,6 центнердан ҳосил олиш учун Соли Назаров бошлиқ звено а'золарини социалистик мусобақага чақирдилар. Улар бу шарафли вазифани бажариш учун кўклам дала ишларини уюшқоқлик блан олиб бормоқдалар. Пахта далаларига 68 тонна маҳаллий ўғит чиқариб қўйдилар. Бу звено а'золари ҳам 12 гектар ерга чигитни 60Х60 сантиметр схемаси асосида квадрат-уялаб экиб, қатор ораларини икки томонлама ишлашга қарор қилдилар.

Ҳар иккала мусобақадош звено ўз муваффақиятларини ўртоқлашиб колхозда яхши кўрсаткичларни қўлга киритаётирлар.

Р. ҲОЛМАТОВ.
Н. ҲАКИМОВ.

Директор ва'дасини качон бажаради?

Будённий номли колхоз Мирзачўл районидаги каҳҳосилли ва ғамқувват колхозлардан бири ҳисобланади. Ўтган қишлоқ хўжалик йили колхоз 925 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 16,55 центнердан ҳосил етиштириб, белгиланган планни бажараолмади. Колхознинг жамоат хўжалиги ва колхозчиларнинг даромадлари бирмунча камайиб кетди.

Ўтган йили деҳқончилик ишида йўл қўйилган энг жиддий камчиликлардан бири, янги суғориш системасига ўтиш тадбирларининг тўла амалга оширилмаганидадир. 925 гектар пахта майдони 173 картага бўлинган. МТС кучи блан ер карталарини йириклаштириш зарур эди. Лекин, 4 йилдан буён бу тадбир амалга оширилмайди. МТСнинг ер текислаш отряди машиналар кучи блан қилинадиган бу ишларни ҳамон бажаргани йўқ. Шунинг натижасида ҳозиргача ҳам чигит экиладиган майдонларда 0,80 ва 1 гектарли кичик карталар бор. Бу аҳвол чигит экишда ва ғўза парваришида механизмлар кучидан унумли фойдаланишга имкон бермаётир.

Колхозда ишчи кучининг кам бўлиши ва экин майдонининг кўплиги механизациядан тўла ва унумли фойдаланишни талаб қилади. Лекин ўтган йили тракторлар кучи блан қилинадиган ишлар ўз вақтида бажарилмай қолди. Айниқса янги, прогрессив усул блан торқаторлаб чигит экиш ва ғўзани кўндалангига ҳамда узунасига ишлаш меҳнатни анчагина тежаши мумкин эди. МТС раҳбарлари бу муҳим ишга етарли э'тибор бермадилар. 60 сантиметрли кенгликда чигит экилган майдонларни ишлаш учун фақат битта «универсал» берилди. Натижада ғўза парвариши белгиланган муддатларда ўтказилмади ҳамда қўл меҳнатини кўплаб сарфланишига йўл қўйилди. Натижада торқаторлаб чигит экилган майдонлардан мўлжалдаги ҳосил олинмади.

Партия ва ҳукуматимиз колоқ ва ғамҳосилли колхозларга алоҳида э'тибор беришни ҳамавақт талаб қилмоқдалар. Пахтакорларнинг ўтган йили бўлиб ўтган кенгашида агротехниканинг янги прогрессив усулини кенг кўламда жорий қилиш тадбирлари белгилаб берилди. Шунга қарамай Мирзачўл районидаги 1-нчи МТСнинг раҳбарлари ва унинг директоры Ўртоқ Акрамов мана шу қарорларни бажаришда Будённий номли колхозга яқиндан ёрдам бераётганлари йўқ.

МТС колоқ ва ғамҳосилли колхозларни ҳартарафлама ривожлантириш учун ҳозирданоқ амалий ишларни бажариши керак. Аммо Будённий номли колхозда механизмлар кучи блан қилинадиган ишлар ҳамон ўлда-жўлда бўлиб қолмоқда. Ҳали ҳам янги суғориш системасига ўтиш, кичик карталарни йириклаштириш ишлари бажарилмаган. Бунинг устига ерларни чигит экишга тайёрлашда тракторлар ҳаддан ташқари унумсиз ишламоқда. Бу соҳада ҳам ўтган йилги хатолар такрорланаётир.

Шу кунгача чигит экиладиган 300 гектар ер ҳайдалгани йўқ. Бу колхозга бириктирилган МТСнинг 7-нчи трактор бригадаси ҳаддан ташқари унумсиз ишламоқда. Ўртоқ Файзуллаев механик бўлган бу бригадага 3 та ҳайдов трактори бириктирилган. 4 ва 7-нчи номерли НАТИ тракторлари ўтган йилнинг апрель ойидан буён шу вақтгача колхозда бузилиб ётипти. 3-нчи номерли ДТ-54 трактори бўлса 25 кундан буён МТСда ремонт қилинмай турипти. МТСнинг бош инженери Ўртоқ Ткачев бу колхозга бирор марта келиб бир йилдан буён бузилиб, ишламай ётган тракторларни кўргани йўқ.

Район партия ташкилотининг март ойи бошларида бўлган актив йиғилишида колхозда кўкламга тайёргарлик ишларининг ёмон аҳволда эканлиги. МТС раҳбарлари Акрамов ва Ткачев ўртоқларнинг ҳайдов тракторлари иши устидан назорат қилмаётганликлари танқид қилинди. Шунда Ўртоқ Акрамов бу колхозга ҳайдов трактори юборишга ва'да берган эди. Директорнинг ва'даси ҳамон ва'далигича қолиб келмоқда. Будённий номли колхозга ҳайдов тракторлари юборилмаётир. Директор бундай ва'дани ижи-уч марта такрорлади-ю, уни бажаришга киришганча йўқ.

Будённий номли колхозда пахта ва бошқа экилардан мўл ҳосил етиштириш колхоз жамоат хўжалигини ривожлантириш ва уни илғор колхозлар даражасига етказиш учун жуда жатта имкониятлар бор. МТС раҳбарлари колоқ ва ғамҳосилли бўлган бу колхозга яқиндан раҳбарлик қилишлари, айниқса прогрессив агротехникани кенг кўламда қўллаш учун зарур тадбирлар кўришлари керак.

Ахмаджон МАМАЖОНОВ.
Мирзачўл район 1-нчи МТСининг Будённий номли колхозидаги агрономи.

Совет адабиёти ва сан'атининг кучи — унинг бутун ҳаёт блан, халқнинг барча фикрлари, туйғулари ва зафарлари блан, Коммунистик партиямизнинг қаҳрамонона курашин блан чамбарчас боғланганлигидадир. Совет адабиёти ва сан'атининг халқ манфаатидан, Совет давлати манфаатидан бошқа манфаатлари йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бизнинг адабиёт ва сан'атимизнинг асосий вазифаси — коммунизм қурчи ёш авлодни тарбиялашда партия ва ҳукуматимизга яқиндан ёрдам беришдан иборатдир. Совет ёзишилари М. Горький ва В. Маяковский асарлари орқали, Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди», М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» каби романлари, А. Макаренконинг «Педагогик поэма»си, А. Фадеевнинг «Ёш гвардия» романи, Б. Полевойнинг «Чин инсон ҳақида қисса»си ва бошқа жуда кўп асарлар орқали халқимиз қаҳрамонона курашининг буюк мазмунини жуда чуқур ва батафсил тушуниб оладилар. Совет адабиёти ва сан'ати томонидан яратилган ижобий қаҳрамон образларида совет ватанпарварларининг кўпгина ажойиб хусусиятлари мужассамлангандир. Шунинг учун ҳам кишиларимиз бу образларга таклид қиладиган бўлиб қолдилар.

Бизнинг ёзучиларимиз эришган барча муваффақиятларнинг бош сабаби шундаки, улар адабиётнинг партиявийлиги тўғрисидаги ленинча принципга амал қилиб келдилар ва ҳозирда ҳам шунга оғишмай амал қилмоқдалар. Совет адабиёти ва сан'ати ўз тараққиётининг барча босқичларида буржуача назарларнинг қарқандай кўринишларига қарши курашиб келди. Партия раҳбарлиги остида бизнинг мамлакатимизда совет халқига ёт бўлган формализм ва натурализм, ғоясизлик, аполитизм, буржуа миллатчилиги ва космополитизм кўринишлари тор-мор келтирилди.

Совет адабиётининг бирдан-бир иш методи — социалистик реализм принципларидан сан'аткордан ўз романлари ва повестларида, поэма ва пьесаларида, ше'р ва ашулаларида воқ'лик ҳақиқатини революцион тараққиёт жараёнида ифодалаб беришни талаб қилади. Шу блан бирга, бадиий тасвирдаги ҳаққонийлик ва тарихан конкретлилик асарнинг ғоявий йўналиши блан ҳамда меҳнаткашларни социализм руҳида тарбиялаш вазифалари блан бирга кўпиб олиб борилмоғи керак.

Социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш даврида совет адабиёти ва сан'ати ишчи ҳаракатининг қайтақуруучилик ва актив тарбиявий роли бениҳоя ўсади.

Совет адабиёти ва сан'ати бундан буён ҳам коммунизм иделарининг ғўзаллиги ва улуғворлигини юксак бадиий формада очиб бериши, капитализмнинг кишилар онгидаги қарқитларига қарши амалий кураш олиб бориши, ўз қаҳрамонларининг образлари ва уларнинг хилма-хил меҳнат фаолиятларини, ижтимоий ва шахсий ҳаётини гавдалантириши, ҳаётдаги қарама-қаршиликлар ва конфликтларни дадиллик блан кўрсатиб бериши керак. Совет адабиёти ва сан'ати янгиликни акс этдириш блангина қолмай, балки унинг талабасита ҳам ҳаракиҳатдан ёрдам беради.

Адабиётимиз ва сан'атимиз совет кишиларининг ватанпарварлик туйғуларини зўр революцион шиҳоат блан ошириши, ҳалқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаши, тинчлик, демократия ва социализм қудратли лагерининг янада мустаҳкам жипслашувига ёрдам бериши, пролетар интернационализми ва меҳнаткашларнинг қардошларча бирдамлиги идеяларини мустаҳкамлаши лозим.

Социалистик реализм методи сан'аткорларимизнинг индивидуаллиги, услубнинг бой бўлиши, турли ижодий оқимлар мусобақасини кўзда тутали, турли хил формаларни, ижодий иste'дод ни тўла равишда юзага чиқариш учун барча шароитларни яратиб беради.

БПСС Марказий Комитети совет ёзучиларининг ўтган йил декабрьда чақирилган Бутуниттифоқ иккинчи с'ездига юборган ўз табрик хатида адабиёт ва сан'атни ривожлантириш соҳасидаги жиддий ютуқларга қарамасдан, кўпгина асарларнинг ғоявий-бадиий савияси ҳали ҳам юксак даражада эмаслигини, ҳатто турмушдан ажралиб қолган ба'зи адабиётчилар уйдирма конфликтлар ихлоб, халтура асарлар ёзганликларини , совет воқ'лигини бузиб, ба'зан эса тўхмат ҳам қилиб тасвирлашга йўл қўйганликларини кўрсатиб ўтди.

Ҳақиқатни бўяб кўрсатишга ва турмушдаги реал қарама-қаршиликларни четлаб ўтишга қаратилган конфликтсизлик «назарияси»ни таргиб қилиш бизнинг адабиёт ва сан'атимизга путур етказди. Марксизмга ёт бўлган бу «назария» совет жамоатчилиги томонидан кескин қораланди ва фош этилди.

Ҳаётни эскилик блан янгилик ўртасида бўладиган курашда, унинг зиддиятлари ва конфликтлари блан бирга тасвирлаб бериш — социалистик реализмнинг муҳим қонунидир. Ҳарбир сўз сан'аткорининг бурчи — жамият ҳаётида янги ва порлоқ нарсаларни вужудга келтиришда, увада, ўлик нарсаларни томири блан суғириб ташлашда олиб бориладиган буюк курашда партиямизга яқиндан ёрдам беришдан иборат. Социалистик реализмдан, ҳаёт ҳақиқатига риоя қилишдан, ленинча партиявийлик принципидан ҳарқандай четга бурилиш қўпол хатоларга олиб беради, ёзучи ижодини нотўғри позицияга суриб ташлайди, сан'аткорни бошиберк кўчага киритиб қўяди.

Социалистик реализмнинг кучи шундаки, у ҳаётни марксча-ленинча билишга таянади, ҳаёт ҳақиқатини ҳартарафлама очиб бераолади ва юксак ғояли чинакам бадиий асарлар яратиш имконини беради.

«Совет ёзучилари, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг табрик хатида, — жамиятимизнинг олга боришига ёрдам бераётган барча янгиликни актив равишда қўллаб-қувватлаб, эски, хусусий мулкчилик руҳ'ёсининг кишилар онгидаги қарқитларини бор кучлари блан ва зўр ғайрат блан фош қилиб ташлашлари, бепарво ва нодон кишиларни фош қилиб ташлашлари, социалистик хўжаликнинг ва маданиятнинг тез ўсишига ҳалақит бераётган ҳамма нарсаларни ҳаётимиздан ситиб чиқаришга ёрдам беришлари лозим».

Коммунистик партия адабиёт ва сан'атга катта аҳамият беради, унинг янада ривожланиб боришини бошқариб туради, адабиёт ва сан'атнинг меҳнаткашлар оммасини коммунистик руҳда тарбиялашдаги ролини янада ўстиради.

Партия коммунизм қураётган халқимизни юқори дидли этиб тарбиялашга, уни адабиёт ва сан'ат олдига янгидан-янги юксак талаблар қўядиган этиб тарбиялашга бундан-буён ҳам катта аҳамият беради.

А. ИВАНОВ.

Ялта конференцияси „ҳужжатларининг“ АҚШда э‘лон қилинишига доир

НЬЮ-ЙОРК, 18 март. (ТАСС). АҚШ давлат департаменти уч давлат—СССР, АҚШ ва Буюк Британия—раҳбарларининг 1945 йил февраль ойида Ялтада бўлган конференциясининг ҳужжатлари деб аталган 800 дан кўпроқ бетли китобни э‘лон қилди. Бу конференцияда Уинстон Черчилль, Франклин Д. Рузвельт, И. В. Сталин қатнашган эдилар, унда уч давлат ташқи ишлар министрлари А. Иден, Э. Стеттиниус ва В. М. Молотов, шунингдек маслаҳатчилар ҳам ҳозир бўлган эдилар.

Юнайтед Пресс агентлигининг кўрсатишича, э‘лон қилинган «ҳужжатлар» ҳақиқатда фақат «Ялта конференцияси олдидан тақдим қилинган ҳархил хатлар, докладномалар, тавсияномалар ва таклифлардан ҳамда кейин шу конференция тўғрисида ёзилган эсдалик хатларидан, шунингдек баъзибир ёзиб олинган суҳбатлардан иборатдир,.. Коалициянинг уч раҳбари ўртасида жуда муҳим фикр алмашишларни ифодаловчи бирдан-бир ҳужжат... кейин бирор таржимон ёки секретарьнинг эсга олиб ёзиб қўйган баъзи хатларидан иборат бўлиб қолган». Агентлик АҚШ расмий доираларининг э‘тироф қилиб айтган гапларига таяниб, «ҳужжатларнинг баъзилари э‘лон қилинмаган» деб кўрсатмоқда.

Нью-Йоркнинг снёсий доиралари Ялта конференцияси «ҳужжатлари»нинг э‘лон қилинганлигига аввало республикачилар партиясининг демократлар партиясига қарши кураши акти деб қарамоқдалар, бу нарса марҳум президент Рузвельтнинг «обрўйини тўкиш» йўлидаги уринши деб ҳисобламоқдалар Шу блан бир вақтда, «ҳужжатларнинг» э‘лон қилинганлигини давлат департаментининг ташқи снёсат соҳасида қўйган янги катта қадами деб ҳисобламоқдалар.

Оқ уй (президент Эйзенхауэрнинг резиденцияси) томонидан 17 марта э‘лон қилинган баёнот э‘тиборни жалб қилади. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабарида айтилишича, бу баёнотда «президент Эйзенхауэр Ялта конференциясининг ҳужжатларини ўрганиб чиқмаган» деб та‘кидланмоқда ва шу «ҳужжатларни» э‘лон қилиш тўғрисидаги қарорни президент блан маслаҳат қилмасдан «ёлғиз давлат департаментининг ўзи қабул қилган» деб та‘кидланмоқда.

ЛОНДОН, 18 март. (ТАСС). Инглиз газеталарининг деярлик ҳаммаси Ялта «ҳужжатларининг» э‘лон қилинганлигини Америка ташқи снёсати раҳбарларининг Ғарбий Германия ва Япониядаги реваншист доираларга таянаётганлигини кўрсатучи далиллардан бири деб ҳисоблаб, ана шу «ҳужжатларни» э‘лон қилганлиги учун АҚШ давлат департаментини қаттиқ қораламоқдалар.

«Таймс» газетаси ўзининг редакцион мақоласида АҚШ ҳукумати Ялта конференцияси тўғрисидаги ма‘лумотларни ёмон ният блан э‘лон қилганлигига шубҳаланмаса ҳам бўлади, деб ёзмоқда. Газетанинг ёзишича, «марҳум президент Рузвельтнинг обрўйини тўкиш, у орқали эса демократик партиянинг ҳозирги раҳбарларини ҳам обрўсизлантириш» мақсадида шундай қилинган.

«Дейли телеграф энд Морнинг пост» газетаси ҳам шу материалларнинг э‘лон қилинишига шу тарика баҳо бермоқда.

Рейтер агентлигининг хабарида айтилишича, бош министр Черчилль кеча умум палатасида сўзга чиқиб, АҚШ давлат департаментининг мазкур «ҳужжатлари» тўғрисида бундай деган: «Бу, албатта, манфаатдор давлатларнинг бир-бирлари блан маслаҳатлашиб олган расмий материаллар бўлмасдан, балки Америка нуқтаи назарини ифодаловчи ҳужжатлардир».

Сўнгра Черчилль, матбуотда э‘лон қилинган парчаларни шунчаки кўздан кечириб чиққан тақдирда ҳам, бу ҳужжатларда жиддий хатолар борлиги кўзга ташланиб турибди, деб айтган.

Париж, 18 март. (ТАСС). Ялта конференцияси материалларининг АҚШ давлат департаменти томонидан э‘лон қилинганлиги тўғрисидаги хабарларга Париж газеталарида катта жой берилмоқда. Газеталар бу материалларнинг Франция учун «таҳқирловчи характерда» эканлигини та‘кидламоқдалар.

«Эко» газетаси Черчилльни Ялта конференцияси вақтида «Францияга қарши позицияда» бўлганлиги учун қаттиқ танқид қилмоқда. Бу газета, жумладан қуйидагиларни ёзади: «Яқинда Черчилльнинг «Ўрин бўш қолади» деб лўқ қилиб Мендес Франсга ёзган хати «Британия, ҳоким бўл!» деган принцип учун эскидан қураш олиб келаётган бу кишининг мамлакатимизга нисбатан ўз позициясини ўзгартирмаганлигини исбот қилади, зотан Европадаги инглиз снёсатининг традицияси ҳам ўзгармаган... У бизга нисбатан ва бизга биллдирмай таҳқирловчи позицияда турганлиги учун ундан ранжиш мумкин, лекин у Англия снёсатининг «аввал орани бўл, сўнгра ҳоким бўл» деган ва асрлардан бери давом қилиб келаётган традициясига амал қилиб келган. «Эко» газетаси ҳозирги шароитда Францияга бундай менсимаслик блан қарашга йўл қўймаслик Франциянинг ўзига боғлиқдир, деб ёзмоқда.

Франс Пресс агентлигининг дипломатик обзорчиси бундай деб ёзади: «Вашингтондан келаётган дастлабки ма‘лумотлар бу ҳужжатларнинг э‘лон қилиниши ички снёсат манфаатларига мос бўлиб тушган иш бўлди деб аниқ ўйлашга имкон берди...

Лекин, гарчи гап ички снёсат учун мўлжалланган найранг устида бораётган бўлса ҳам, ҳарҳолда шу қадар қалтис ҳужжатларнинг э‘лон қилиниши жиддий халқаро оқибатларга эга бўлиши мумкинлигига шубҳаланмаса бўлади Биринчи галда Англия ҳукумати ўнгайсиз аҳволда қолди. Черчилль, оқибат натижада давлат департаментининг қистови блан шу ҳужжатларнинг э‘лон қилинишига розилик берганлигини э‘тироф қилиб, ўзининг аслда бунга қарши бўлганлигини яширмади, у э‘лон қилинган ҳужжатлар текстининг аслига тўғри келмаганлигини ҳам айтиб, бу ҳужжатлар фактларнинг фақат Америка нуқтаи назаридан талқин қилинишидан иборат эканлигини ва шу ҳужжатларда кўпгина хатолар борлигини кўрсатиб ўтди».

«Фигаро» газетасининг ёзишича, Ялта ҳужжатларининг э‘лон қилинишига фақат АҚШ ички снёсатини кўзловчи мулоҳазаларгина сабаб бўлгани йўқ. Газетанинг фикрича, инглиз доиралари ҳам шундай деб ўйламоқдалар ва улар «Американинг бу қилиғи Шарқ блан Ғарб ўртасида муозараларни яна бошлаб юборишни анча қийинлаштириб қўйиши мумкин» деб ўйламоқдалар.

Пв Моро «Юманите» газетасидаги мақоласида ёзадики, Вашингтон мана шу ҳужжатлар уюмидан мақсади жуда аниқ кўриниб турган бирпина ташқи снёсат операцияси учун фойдаланиш ниятидадир. АҚШ герман милитаризмининг тиклашишига ёрдам бериб, реваншист вермахтнинг тиклашишига йўл очиб берди. Париж битимларини мажбуран ратификация қилдиришга уриниб, бу блан Ялтада ўз эммасига олган мажбуриятларни бузмоқда. Американларга ўз эммаларига олган мажбуриятлардан воз кечаётганликларини оқлаш учун, Ялта конференциясининг ҳужжатларини сохталашлари зарур бўлиб қолди. Шу блан бир вақтда улар музокаралар олиб бориш идеясининг ўзини ҳам обрўсизлантириш ниятидадирлар ва бошқача идеяни, я‘ни халқаро кескинликни юмшатиш мумкин эмас, деган сохта идеяни тарғиб қилишни истамоқдалар.

Хавфсизлик Кенгашида

НЬЮ-ЙОРК, 18 март. (ТАСС). Кеча Хавфсизлик Кенгашининг мажлисида Миснринг шикоятини, я‘ни шу йил 28 февральда Исроил қуролли кучлари Газа яқинида Миср контроль қилиб турган территорияга ҳужум қилганликлари ҳақидаги шикоятини муҳоҳама қилишни давом этди. Исроилнинг Миср устидан қилган шикояти ҳам кун тартибига киритилган.

Мажлисда биринчи бўлиб Совет Иттифоқи вакили А. А. Соболев сўзлади. У Миср вакили томонидан Хавфсизлик Кенгашига тақдим этилган шикоят тўғрисида совет делегациясининг позициясини баён қилиб берди.

Фактлар ва можаро қандай вазиятда юз берганлиги ва фактлар шуни кўрсатадики, деди СССР вакили, шу йил 28 февральда Газа районида Миср қуролли кучларига Исроил қуролли кучлари томонидан ҳужум қилинган, натижада Миср қўшинлари анча талафот кўрган. Газа районидаги можаронинг қандай шароитда юз берганлиги шуни кўрсатадики, бу можаро учун Исроил жавобгардир. Исроил қуролли кучларининг бу ҳаракатлари БМТ Уставини жиддий равишда бузади ва бу районда кескинликни кучайтиради, буни кўрмаслик мумкин эмас. Хавфсизлик Кенгаши буни э‘тиборсиз қолдираолмайди.

Шу блан бирга, деб давом этдирди ўз сўзини Соболев, совет делегацияси шу нарсани кўрсатиб ўтишни зарур деб ҳисоблайдики, бу райондаги аҳвол кескинлашганлиги ҳақида Исроил вакили айтган мулоҳазалардан кўз юмиш мумкин эмас. Фактлар шуни кўрсатадики, бундай кескинлик баъзи давлатлар юргизаётган снёсатнинг оқибатидир. Бу снёсат Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга эмас, балки ҳарбий блоклар уюштиришга қаратилган, бу эса мазкур райондаги мамлакатларнинг миллий мустақиллиги ва хавфсизлигига таҳдид қилмай қолмайди. А. А. Соболев Миср халқига Газа районидаги можаро ва Миснринг кўрган талафоти муносабати блан совет делегацияси номидан ҳамдардлик билдирди. Совет Иттифоқи вакили ўз сўзининг охирида БМТнинг Фаластиндаги кузатучилари штаби бошлиғининг докладини ва Миср ҳамда Исроил вакилларининг нутқларини ўрганиб чиққандан кейин Миср шикоятининг моҳияти юзасидан яна сўзлаш ҳуқуқини ўзида сақлаганлигини айтди.

Сўнгра БМТнинг Фаластиндаги кузатучилари штаби бошлиғи генерал Бэрнс доклад қилди. У айтдики, аниқланишича, 1955 йил 28 февраль кечаси Исроил армиясининг қисмлари яраш тўғрисидаги битимда белгиланган демаркация линиясидан ўтиб, Миср контроль қилиб турган территорияга кирганлар ва Миср ҳарбий лагерига ҳамда порт районини сув блан та‘минлайдиган насос станциясига ҳужум қилганлар. Исроил солдатларидан яна бир группаси Газанинг шарқи-жанубида демаркация линиясидан ўтиб, Миср гарнизонига юборилган мадад кучларига қарши пистирма қўйган. Бу ҳужум натижасида Миср томонидан 38 киши ўлган ва 31 киши ярадор бўлган.

Генерал Бэрнс бу можарони яраш тўғрисидаги битимни бузиш деб та‘рифлади. У айтдики, ўзининг ҳажми ва етказган зарари бўйича бу можаро яраш битими имзоланган вақтдан буён икки томон ўртасида юз берган энг жиддий тўқнашувдир. Бэрнс докладининг анча қисми иккала томоннинг яраш тўғрисидаги битимни бундан илгариги бузишларини баён қилиб беришга бағишланган эди. Бу ҳол Газа районида юз берган можарони муҳокама қилишни яраш тўғрисидаги битимнинг бузилиши ҳақидаги умумий дискуссия блан алмаштириш тенденцияси бор деган таассуротни қолдирди.

Сўнгра сўзга чиққан Миср вакили Умар Лутфий Газа районида юз берган қуролли тўқнашувнинг қўшимча тафсилотларини айтиб берди ва Исроил мунтазам армияси қисмларининг Миср контролида бўлган территорияга қилган ҳужумини «агрессия» деб та‘рифлади. Исроил вакили келгуси мажлисда сўзга чиқишни истаганлигини айтди. Шундан кейин мажлис ёпилди. Раис Хавфсизлик Кенгашининг навбатдаги мажлиси қачон бўлажаги кейин билдирилажагини айтди.

Англиянинг СССР, ХХР ва халқ демократияси мамлакатлари блан савдо-сотиғини кенгайтириш учун

ЛОНДОН, 18 март. (ТАСС). Бирмингамдаги доимий машинасозлик виставкасининг президенти Ж. Грейзбрук қуйидагиларни айтди: Англиянинг машинасозлик саноати Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси ва халқ демократияси мамлакатлари блан савдо-сотиқни кенгайтириш учун бутун чорани кўриши керак.

Грейзбрук савдо-сотиқнинг кенгайтирилиши бизнинг заказ олишимизни та‘минлаши блан бирга, «муносабатларни яхшилашга ва уруш хавфини йўқотишга» олиб боради, деди.

Бонн бундесрати Париж битимларини ма‘қуллади

БЕРЛИН, 18 март. (ТАСС). ДПА агентлигининг хабарида айтилишича, бундесрат Париж битимларини ма‘қуллаган.

БЕРЛИН, 18 март. (ТАСС). ДПА агентлигининг хабарида айтилишича, бугун бундесрат Федерал республикадаги «оккупация режимини тўхтатиш» тўғрисидаги герман шартномасини ратификация қилиш ҳақидаги қонунни 9 овозга қарши 29 овоз блан ма‘куллаган. Гессин ва Қуйи Саксония вакиллари шартномага қарши овоз берганлар. Берлин вакиллари овоз беришда бетараф қолганлар.

СТАРТ БЕРИЛДИ

Кеча Тошкент Қизил майдонида Тошкент — Самарқанд — Тошкент маршрути бўйича ўтказиладиган Бутуниттифоқ баҳоргги кўпкунлик велосипед пойгасига старт берилди.

Ҳукумат минбари рўпарасида мусобақа иштирокчилари — 23 команданинг велосипедчилари текис саф тортиб туради. Булар орасида кўпкунлик велосипед пойгаси бўйича мамлакат чемпиони — СССР Мудофаа министрлиги Марказий спорт клубининг командаси, «Буревестник», «Крылья Советов», «Торпедо», «Зенит» ва бошқа кўнгилли спорт жамиятларининг вакиллари бор.

Бош судья, хизмат кўрсатган спорт мастери М. П. Иконостасов велосипед пойгасини ўтказиш ташкилот комитетининг раиси ўртоқ Ҳ. А. Ма‘руповга мусобақа иштирокчиларининг тайёр турганликлари тўғрисида рапорт беради.

Ҳукумат минбарида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ш. Рашидов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари В. Содиқова, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Қ. Муртазаев, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети раисининг ўринбосари А. В. Кривцов ва бошқа ўртоқлар ҳозир бўладилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети номидан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ Ма‘рупов кўпкунлик велосипед пойгаси иштирокчиларини табриклайди ва уларга мусобақада муваффақият тилайди.

Москва — Харьков — Киев — Минск — Москва маршрути бўйича ўтказилган кўпкунлик велосипед пойгасининг голиби, СССР чемпиони, спорт мастери Р. Чижиков. СССР Мудофаа министрлиги Марказий спорт клуби энг кучли велосипедчилари Н. Сиротин, Н. Немитов ва В. Вершинин ўртоқлар мусобақа байроғини кўтариш шарафига муяссар бўладилар.

Совет Иттифоқи Гимни улуғвор садолари остида қизил байроқ аста тепага кўтарилади ва Қизил майдоннинг нақ ўртасида баҳор шабадасида ҳилпираб туради.

Кундуз соат 2 да пойгага старт берилади ва командалар мусобақани бошлаб юборадилар. Қизил майдонга тўпланган мингларча тамошабинлар кўпкунлик велосипед пойгаси иштирокчиларига оқ йўл тилаб қоладилар.

Кеча кундуз соат 6 дан 10 минут ўтганда велосипедчиларни Урсатьевск станциясининг аҳолиси қизғин кутиб олди.

21 март соат 13 да Самарқандлаги «Ғалаба» ҳайкали ёнида Тошкентга ва 24 мартда Тошкент Қизил майдонида яна Самарқандга старт берилади.

Финиш 27 мартда Тошкент «Спартак» стадионида бўлади.

Суратда: Старт берилди. Мусобақа байроғи кўтарилди.

С. Чижиков фотоси.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Ҳаётни ва поэтика қоидаларини пухта ўрганиш лозим

(ШЕ‘РЛАРГА ОБЗОР)

Улуғ рус ёзучиси Алексей Максимович Горький «Ҳаётда ҳамавақт жасорат кўрсатиш имконияти бор» деган эди. Социалистик воқе‘лигимиз, совет кишиларининг қувноқ ҳаёти ҳақиқатан ҳам ажойиб жасоратлар кўрсатиш манбаидир. Халқимиз КПСС Марказий Комитети Пленумлари ва СССР Олий Совети II сессияси қарорларидан илҳомланиб, оғир индустрия негизида халқ хўжалигининг барча соҳаларини юксалтириш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Совет халқи улуғвор тарихий ишларни амалга оширишда оламшумул ютуқларни қўлга киритмоқда, мислсиз жасорат кўрсатмоқда. Ҳаётимизни безаб турган меҳнат нафаси ҳарбир кишининг қалбини завққа тўлдиради, унинг кўнглида ана шу юксак кўтаринки руҳни қуйлаш, меҳнат поэзиясини яратиш истагини жўш уйғотиради. Редакциямизга келиб турган ше‘рлар оқими ана шу нарсани яққол намойиш қилади. Бу ше‘рларда улуғ давримизнинг жанговар руҳи, пафоси, ижодий иш блан шуғулланаётган меҳнаткашларнинг интилиш ва орзулари сезилиб турибди. Бу ше‘рларнинг авторлари қўлларига қалам олиб ҳаётдан олган таассуротларини, кишиларнинг ватанпарварлик кайфиятини, кўтаринки руҳини тасвирлашга ҳаракат қиладилар. Уларнинг ше‘рлари гарчи бадиий жиҳатдан етук, пухта асар даражасига кўтарилмаган бўлса ҳам уларда янги, оригинал, ўқиганда юракни тўлқинлантирадиган айрим фикр ва миса‘ларни учратамиз. Чунки бу фикр ва миса‘ларнинг авторлари ишлабчиқаришнинг бевосита иштирокчилари, воқе‘ликнинг қатнашчиларидир.

Совет Армияси сафида хизмат қилиб турган ҳаваскор шоир С. Файзуллаев редакциямизга юборган «Ҳулкар ва мен», «Манзура — солдат онаси» сарлавҳали ше‘рларида ватанпарварлик туйғуларини бирмунча жонли, поэтик миса‘ларда бераолган. Бу ше‘р камчиликлардан холи бўлмаса ҳам уларни ўқиган киши ўз ватани ва халқининг тинчлигини сақлашга тайёр турган Совет Армияси жангчисининг юрагини, интилишларини билиб олади. С. Файзуллаевнинг поэтик приёмлар излаётганлиги, оригинал ўхшатиш ва тасвирий воситалар топишга ҳаракат қилаётганлигини сезиш қийин эмас. Унинг улуғ рус демократ шоири Некрасовнинг «Орина — солдат онаси» ше‘рини ўқиб илҳомлангани, совет солдатининг онаси Некрасов замонасидаги солдат онасидан тамоман фарқ қилишини бадиий формада акс этдириб бераолганини кўрамиз.

Солдатларнинг ўтмишин эслаб
Некрасовни олсам ёдимга,
Ўтган экан одамлар йиғлаб
Қоврилиб ўз фар‘ёдига.
У замонлар гуноҳкор одам
Солдат экан — бағри лоларанг.
Аччиқ нола, фиғон, дард алам,
Та‘налардан бўларкан гаранг.

Тошкентли А. Юсуповнинг «Агитатор қиз», «Сайлов тонгида», Ҳ. Ризаевнинг «Бўлса аҳдинг — ўшадир бахтинг» сарлавҳали ше‘рларида ҳаваскорларнинг актуал темаларни қаламга олиб ўз овозлари блан куйлашга интилаётганликларини, темага бевосита алоқадор деталларнигина тасвирлашга ҳаракат қилинганлигини сезамиз.

Бу ше‘рларда агитатор қизнинг уй-рўзғор ишлари блан шуғулланучи аёллар ўртасида қизғин суҳбат ўтказиши, сайлов тонгидаги халқнинг қувончи, партия чақиригига жавобан қўриқ ва бўз ёрларга отланган комсомолнинг юрак ҳислари анча дуруст ишланган миса‘ларда очиб берилган.

Редакциямизга келаётган ше‘рларнинг кўпчилиги ҳали гоявий ва бадиий жиҳатдан газетхонларимизнинг ўсиб бораётган талабларига етарли жавоб бераолмайди. Бунинг сабаби шундаки, ҳали ҳаваскор шоирларимизнинг айримлари ше‘рнинг поэтик қоидаларини, ҳаётни яхши билмайдилар. Айрим ҳаваскорлар эса ше‘р учун танланган темаларнинг материалини яхши ўзлаштириб, билиб олмай таваккал қилиб ёзаберадилар. Масалан оҳангаронли ҳаваскор шоир У. Эгамбердиевнинг «Овоз берамиз» ше‘рини кўрсатиш мумкин. Бирнеча темани ўз ичига олган бу ше‘рда бирор конкрет фикр тушунарли тарзда очиб берилмайди. Оққўрғонли И. Раҳмонов ва Тошкент чет тиллари педагогика институтининг студенти Б. Соибова юборган ше‘рларга хос бўлган умумий камчилик шундаки, уларнинг темаси бизнинг ҳаётимиздан анча узоқ, авторларга нотаниш темалардир. Бу иккы ҳаваскор шоир четал меҳнаткашларининг оғир аҳволда ҳаёт кечираётганлигини кўрсатмоқчи бўлган.

И. Раҳмонов «Қуш блан суҳбат» ше‘рида «Нечундир кўзларида нам, ҳомуш» қушни кўриб қолади, ундан ма‘ослигининг сабабини сўрайди. Лекин автор ўз қоясини аниқ, равшан, бадиий жиҳатлан етук сатрларда очиб бераолмайди. Ше‘рни ўқиган киши капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашлар оғир аҳволда яшайдилар деган ўзларига кўпдан ма‘лум бўлган гапдан бошқа нарсани ололмайди. Клара Соибова «Уруш оловини ёқучиларнинг нияти чиқмас рўёбга» ше‘рида бир ҳовуч империалистларнинг уруш заҳарини сочиб, халқларни талаб, хўрлик-зорликка маҳкум этаётганлигини тасвирлайди. Лекин бу фикрлар оддий, прозаик жумлалар блан ифодаланади. Ше‘рда ўхшатиш, жонлантириш, сифатлаш сингари бадиий бўёқлар ишлатилмаган. Шубҳасиз бундай ше‘р ўқучига ҳеч қандай ма‘навий озиқ, эстетик завқ бермайди.

Ватан, Москва, Ўзбекистонга бўлган муҳаббат темаси ҳарбир ёш ҳаваскорнинг ҳаёлини банд этиши, илҳомини қитиқлаши табиий. Тошкентли М. Ғиёсов, верхневолинскли Б. Тешабоев, ховосли Н. Тошматов ва С. Остонақулов, оққўрғонли Б. Ғоибов ўртоқларнинг бизга юборган ше‘ларида ана шу олижаноб тема тилга олинган. Лекин бу авторлар жуда кўп шоирларимиз томонидан ранг-баранг усулда ёритилган бу темаларда бирор янгилик, эсда қоладиган оригинал бадиий ифода яратаолмаганлар. Масалан, Б. Ғоибовнинг «Тинчлик ниҳоли» ше‘рини олиб кўрайлик. Автор бунда Ватанимиз — тинчликнинг мустаҳкам қўрғони эканлигини куйламоқчи. Лекин у нима учун бизнинг Ватанимиз тинчликнинг қудратли таянчи эканлигини ифодалаш блан очиб бермайди. Биз қуйидаги сатрларни ўқиймиз.

Биз тинчликнинг вахтасида ижодкор халқмиз
Қанча фахрланса ахир, мақтанган бўлмас.

Кўрамизки бу сатрларда бадиийлик йўқ, улар оддий дарак гапдан бошқа нарса эмас.

Темаларнинг яхши, актуал бўлиши, тўғри гапларни миса‘ларга жойлаштиришнинг ўзи ше‘рнинг муваффақиятини ҳал қилолмайди.

Кўпгина ҳаваскор шоирлар ёзаётган ўз ше‘ларининг тилига етарли э‘тибор бермайдилар. Редакциямизга тез-тез ёзиб турадиган ҳаваскорлардан Б. Тешабоевнинг «Баҳор», «Бахтли тонг», М. Аголиевнинг «Келинг, дўстлар», Ҳ. Нуриддиновнинг «Тракторчининг гайрати» ше‘ларининг тилида жиддий нуқсонлар бор. Уларни қайта-қайта ишлаш, тилини пардозлаш керак.

Мана кўринг, пахтакор ўғлин,
Ерни мисли **«мум»дек кўчирди.**
Урмалатиб базур тракторин,
Мусобақадошни **шоштирди.**

(«Тракторчининг гайрати» ше‘ридан).

Бунда «кўчирди» сўзига қофия қилиш учун «шоширди» сўзи «шоштирди» шаклида ишлатилган. Яна автор ўз мақсадини яхши ўйламай «Тракторини базўр (зўрға) ўрмалатиб» дейди, ваҳоланки ўзи секин юрса мусобақадошини шоширши мумкин эмас. Ерни мўмдек кўчириш ҳам ғалати туюлади.

Бундай камчиликлар М. Аголиевнинг «Бегам деҳқон» масалида ҳам, С. Пўлатовнинг «Кўнгил қушни», «Тонг шамолида» «Чойчақа» ше‘ларида ҳам учрайди.

Мирзачўлли С. Шодмонқуловнинг «Қурсак ярашур боғлар» «Келди», «Айласанг», «Янги йўл», «Лола» каби аруз вазнида ёзилган ше‘ларида ҳам жиддий камчиликлар бор. Уларда аруз вазнининг қоидаларига амал қилинмаганлиги ҳам, фикрларнинг чалкашлиги ҳам, жумлаларнинг ғализ тузилганлиги ҳам аниқ сезилиб турибди.

Ҳаваскорларнинг ше‘рларига берилган обзордан шу нарса ма‘лум бўлдики, улар гарчи янги, актуал темаларда ше‘р ёзишга ҳаракат қилаётган бўлсалар ҳам ҳаётни яхши билмасликлари, поэзия қоидаларидан етарли даражада хабардор бўлмаганликлари уларнинг ўқучига манзур бўладиган ше‘рлар яратишларига тўсқинлик қилмоқда.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/III да кундуз **Алишер Навоий.**

«РОДИНА», НАВОИЙ номли. «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» кинотеатрларида — янги француз бадиий фильми **Қўрқишнинг жазоси** (иккала серия).

«РОДИНА» — эрталаб соат 9 ва 11 да **Жасур кишилар.**

НАВОИЙ номли кинотеатрда — эрталаб соат 10 да **Чапаев.**

«ИСКРА» — 2-нчи залда эрталаб соат 9—40, 10—20 минут ва соат 11 да **Адмирал Нахимов.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 6 гача: 1) янги француз бадиий фильми **Оқёл,** 2) **Цирк майдонида,** кеч соат 6 дан **Тамоша бўлади!**

«КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» — эрталаб соат 10 да венгер фильмлари: 20/III да **Еш юрак блан,** 21, 22, 23/III да **Каталина Кишнинг бахти.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — эрталаб соат 10 ва 11 яримда **Олтин антилопа** ва бошқалар.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА
20, 22 мартда
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
А. Н. Островский асари
МОМАҚАЛДИРОҚ
5 пардали драма.
Ма‘руф Ҳаким таржимаси.
Режиссёр — **А. О. Гинзбург,**
рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган сан‘ат арбоби,
Сталин мукофоти лауреати **С. М. Миленин.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
бугун
«АЖОИБ ТУШЛАР КЕЧАСИ» АТТРАКЦИОНИ.
Янги программада
цирк тамошалари.
Бугун **3 марта** тамоша кўрсатилади.

Колхозлар ва колхозчилар ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини:

мол, гўшт, парранда, илвасин, балиқ, тухум, сут, сут маҳсулотлари, ҳайвон ва ўсимлик ёғлари, картошка, кўк сабзавот, сабзавот маҳсулотлари, ҳўл мева, қуруқ мева, узум, полиз экинлари, крупа, дуккакли экинлар, мойли уруғликлар, қанд, асал, жайдари вино, ёввойи мевалар, қўзиқорин, ёнғоқ ва ҳоказоларни

БОЗОРГА ОЛИБ БОРИБ СОТИШ УЧУН ВАҚТ САРФЛАМАСДАН,

Тошкент область матлубот союзи томонидан Тошкент шаҳрида уюштирилган

„ТАШГОРКООПТОРГ“ комиссиясига топширишлари мумкин

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидаги жойларда ҳам комиссияга қабул қилинади:

Калинин районидаги Юнусобод мавзуида (Чимкент тракти бўйлаб).

Кўктерақда (Келес станцияси).

Оржоникидзе районидаги Шўробаҳор мавзуида ва Троицкий посёлкасида.

Тошкент районидаги Назарбек мавзуида ва «Ташгоркоопторг» базасида (Янгийўл йўли бўйлаб 54-нчи раз‘езд).

Район матлубот союзлари ва райполарга қарашли сельполарда ва район тайёрлаш конторларида.

Колхозлар ва колхозчилар, ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларингизни матлубот кооперациясига топширингиз!

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор—36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва сан‘ат бўлими — 39040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими —132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Э‘лонлар бўлими—38142.

Р. 03290. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. НАШР. № А — 1395.